Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 67 (6957). | 10 апрель, 1979 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

МАРРА—60 ЦЕНТНЕР

— Деҳончилик учун жуда оғир келган ўтган 1978 йили колхозимиз аъзолари шижоатли меҳнат қилиб, ажойиб ғалабани қўлга киритдилар,— дейди Ғалаба районидаги машъал хўжаликлардан бири «Победа» колхозининг раиси Николай Пак.— Мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 37 центнер ўрнига 48 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилиб, капонинг ҳар гектаридан эса мўлжалдаги 181 центнер ўрнига 210 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Миришкорларимизнинг бу йилги марраси янада юксак.

Зарбдор 1979 йил мўл ҳосили учун бошланган социалистик мусобақада Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси ордени кавалери Пётр Ким бошлиқ донгдор 3-бригада аъзоматлари пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар. Механизатор-звено бошлиғи Уроқбой Нишонов, Турдонбой Сарибоев, Виктор Ким, Розия Ботирбекова, Татьяна Пак каби шижоаткорлар тер тўкиб меҳнат қилаётган бу илғор коллектив 1979 йил учун зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган. Ватан хирмонига бу йил 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» ва 71 гектар каноп майдонининг ҳар гектаридан 250 центнердан луб пояси етказиб берилади.

— Бугун далаларимизда яна экиш агрегатлари ҳайҳира бошлади,— дейди 30 йилдан бери бригада бошлиғи, олий маълумотли агроном Пётр Ким биз билан суҳбатда.— Мақсадимиз — чигит ва капони қулай ва жуда қисқа фурсатларда сифатли экиб олишдир. Чунки, халқимизда «Вақтинг кетди — нақдинг кетди», деб бекорга айтишмайди.

ЖИДДИЙ ИМТИҲОН АРАФАСИДА

Фарғона область партия-хўжалик активи йиғилишидан

ФАРҒОНА, 7 апрель. (ЎзТАГ). Область партия-хўжалик активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳамда 1979-80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қароридан область партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилишга бағишланди. Йиғилиш ишида пахта, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш усталари, сабзаворкорлар, пиллачилар, чорвадорлар, колхоз ва совхозларнинг, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари қатнашдилар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев, Ленинград райсидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз директори Ҳ. Тўрақулов, Киров район партия комитетининг биринчи секретари С. Марасулов, «Узплодоовощвинпром» Фарғона ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг бош директори М. Муҳиддинов, Охунбобоев район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Пўлатов, Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг маккажўхорикорлар бригадири Ш. Аҳмедов фарғоналикларнинг партия XXV съезди қарорларини қандай бажараётганликлари, беш йилликнинг тўртинчи йилида қандай ишлаётганликлари тўғрисида гапирдилар. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи меҳнаткашлари билан учрашувда берган маслаҳатлари меҳнат коллективларининг фаолиятини кучайтириш учун зўр омил бўлганини нотиқлар уқтириб ўтишди.

Йиғилиш қатнашчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда фойдаланилмай ётган резервларни кўрсатдилар, бу резервларнинг ишга солиниши шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири — экиш-тикиш ишларини жуда қисқа муддатда ва юксак агротехника даражасида ўтказиш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш имконини беришини уқтирдилар. Шу муносабат билан нотиқлар илм-фан ва илғор тажриба ютукларини хўжаликлар тажрибасига сингдириш, жумладан хўжаликларда экиш ва ҳосилни йиғиштириб олишда техника ва комплекс механизацияни, ипатоволиклар методини кенг жорий этиш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Чигитни аниқ миқдорда экиш деҳқонларга жуда катта фойда келтиради. Бу усул уруғлик чигит сарфини анча қисқартиришдан ташқари ғўзанинг қийғос ўниб чиқишига имкон беради, пахтакорларни сермеҳнат иш бўлган яганалашдан халос қилади. Чигитни кенг қаторлаб экишни ҳам жамма жойда жорий этиш лозим. Бу жиҳатдан Қува ва Ленинград районларининг хўжаликлари яхши намуна кўрсатмоқдалар.

Бу йил область колхоз ва совхозларининг далаларида область «Сельхозтехника» устахонасида тайёрланган мосламани сеялкага шунчаки қўйиб, тупроқни механизмлар ёрдамида юмшатиш усули биринчи бор жорий этилмоқда. Тупроққа қум, гумни ўғит, лигнин солиш уни қатқалоқдан омон сақлайди, ғўзанинг тез униб чиқиши ва ривожланишини таъминлайди. Шу кўкламда механизаторлар ўттиз минг гектар кулранг тупроқли ва тақир ерларга тупроқни юмшатадиган мослама тиркалган агрегатларда чигит экадилар. Йиғилишда минерал ўғитни энг мақбул муддатларда — 20 июндан кечиктирмай солиш ҳосил учун муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу агротехника усули пахтанинг пишиб етилиш даврини жадаллаштиришини тажриба кўрсатди, бу эса ҳосилни совуқ тушгунча териб олиш имконини беради.

Область пахтачилигида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида наманганликлар намунаси асосида хўжалик ҳисоби звенолари жорий этилади. Бу эса, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги йил сайин янги техника билан таъминланмоқда. Ҳозир пахтакорларга гоят унумли «ОВХ-14» ва «ОВХ-28» чанглагич-нуркагич машиналар юборилмоқда, бу машиналар ғўза баргини ерда туриб дорилаш йўли билан сифатли тўкиришни имконини беради. Хўжаликларда шу техникани ҳамда далаларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг биологик усулларини дадил жорий этиш лозим.

Йиғилиш қатнашчилари кўкламги энг зарур ишлар ҳақида гапириш билан бирга, деҳқонларнинг асосий имтиҳони ҳисобланган терим ишларига барвақт ҳозирлик кўришга ҳам катта эътибор бердилар. Ҳосилни тез териб олиш билангина кифояланмасдан, терим ишларини сифат жиҳатидан юксак даражада ўтказиш, далада, қабул пунктига ташишда, қайта ишлаш корхоналарида ҳосилнинг нобуд бўлишини энг кам даражага келтириш кераклиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса барча колхоз ва совхозларнинг, тайёрлов ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига 1979 йил ҳосилини йиғиштириб олишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва ем-хашакни тайёрлашга, шунингдек 1979-80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга доир тадбирлар комплексини жуда қисқа муддатда ишлаб чиқиш мажбуриятини юклайди. Терим ишларида техникадан фойдаланишнинг аниқ планини ҳозирнинг ўзидаёқ тузиб қўйиш, машинада териладиган пахта ҳажмини белгилаш, икки сменада ишлаш учун малакали механизатор кадрларни тайёрлаб қўйиш зарур. Чорвачилик комплекслари ва бинолари қурилишини тезроқ тугаллаш, чорванинг кишдан тўқ чиқишини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

Шу муносабат билан йиғилишда қишлоқ меҳнатчилари ўртасида беш йилликнинг тўртинчи йили мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёздириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Бутун агитация-пропаганда ва ташкилотчилик иши 1979 йил ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олишга, чорва қишловига ҳозирлик кўришга қаратилиши лозим. Қишлоқ меҳнатчиларига маданий, медицина, савдо ва маиший хизматни яхшилаш тўғрисида имкони борича кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак.

1979 йилда олти юз минг тонна пахта етиштириб давлатга сотиш, 125 минг тонна дон, беш минг етмиш тонна пилла етиштириш, область колхоз ва совхозларида гўшт етиштиришни 1978 йилга нисбатан 22 процент, сут етиштиришни 20 процент ва тухум етиштиришни 25 процент кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун ҳар бир меҳнаткашнинг масъулиятини ошириш зарур.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳамда 1979-80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» ягона қабул қилган қарори, — деди у, — жуда катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Бу қарор Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, совет кишиларининг фаровонлигини яхшилашга қаратилган. Бу — партия билан ҳукуматнинг ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Ш. Р. Рашидов Фарғона область меҳнаткашларининг шу қарордан келиб чиқадиган вазифаларига батафсил тўхталди. Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини амалга ошириб, кўкламги экишни қисқа муддатларда муваффақиятли тугаллаш, ҳосилни йиғиштириб олишга намунали ҳозирлик кўриш, бу ишни аъло даражада ўтказиш, давлатга деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида муваффақиятли ишлашга пухта замин яратиш учун бутун куч-ғайратларини ишга солишлари лозим.

Партия-хўжалик активининг йиғилишида қабул этилган қарорда 1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни таъминлаш ҳамда 1979-80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.



Суратларда: (ўнгда) колхоз бош агрономи Жўрақул Исматов, бригада бошлиғи Пётр Ким ва механизатор — звено бошлиғи Уроқбой Нишоновлар пахта майдонларини кўздан кечирмоқдалар; (чапда) бригадада чигит экиш пайти.

И. Тўлисбоев фотолари.

ГЎШТ, СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари асосида 1979 йилда гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг меҳнат ва сиёсий активлигини янада ошириш мақсадида районлар, колхозлар, давлат хўжаликлари ва чорвадорлар ўртасида кенг кўламда социалистик мусобақа уюштиришга қарор қилдилар.

Мусобақа шартлари эълон қилинмоқда.

Социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг учта кўчма Қизил байроғи таъсис этилиб, бу байроқларнинг биттаси район учун, иккинчиси колхоз ва учинчиси давлат хўжалиги учун мўлжалланган.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари район комитетларига, колхозлар ва давлат хўжаликларининг бошланғич партия ташкилотлари ва касаба союз ташкилотлари зиммасига мусобақа шартларини ҳар бир чорвадорга тушунтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни муддатдан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириш вазифаси юклатилган.

Социалистик мусобақа ғолиблари бўлган район, колхоз, давлат хўжалиги ва чорвадорларга бериладиган мукофотлар район йиғилишлари ёки қишлоқ хўжалик илғорлари слётларида тантанали суратда топширилади.

Область газеталари, радио эшиттириш ва телевидение редакцияларига область чорвадорлари социалистик мусобақаларининг боришини кенг ёритиш топширилди.

1979 ЙИЛДА ГЎШТ, СУТ, ТУХУМ ВА БОШҚА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН РАЙОНЛАР, КОЛХОЗЛАР, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ЧОРВАДОРЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ

ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети Тошкент область партия комитетининг «Область партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI Пленуми қарорлари асосида гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш сохасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарорини ҳамда Тошкент область партия комитетининг II Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг меҳнат активлигини ошириш мақсадида қуйидаги социалистик мусобақа шартларини эълон қилади:

Районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ўртасида

Гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш топшириқлари ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришда юқори кўрсаткичларга эришган, 1978 йилнинг шу даврига нисбатан кескин юксалишга эришган ва шу билан бирга мол ва паррандалар сонини кўпайтириб, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш таъминланган районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари социалистик мусобақа ғолиби ҳисобланадилар.

Мусобақага ҳар ойда область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область статистика бошқармаси, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари табсия этган материаллар асосида якун ясалади. Социалистик мусобақа илғори бўлган район, колхоз ва давлат хўжалиги ҳар ой якунига кўра область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланади ва уларга илғор чорвадорларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Чорвачилик фермалари, комплекслари, паррандачилик фермалари, бўрдоқичилик хўжаликлари ходимлари ўртасида

Чорва моллари ва паррандага маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган, социалистик мажбуриятларини бажаришда зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатган чорвадорлар мусобақа ғолиби ҳисобланадилар:

— ҳар бош сигирдан 3500 килограмм сут соғиб олиб, сигирлар маҳсулдорлигини бир йилда камида 400 килограмм кўпайтирган, 4 минг килограмм сут соғиб олиб, 300 килограмм кўпайтирган, 4500 килограмм сут соғиб олиб, 200 килограмм кўпайтирган, 5000 ва ундан ошириб сут соғиб олиб 100 килограмм кўпайтирган сут согувчилар ва машинада сут соғиш операторлари;

— 100 бош совлиқдан 120 тадан қўзи олиб, ўтган йилдагига нисбатан кўпайтирган чўпонлар;

— бир сутқада қорамолларни камида 800 грамм, чўчқаларни 350 грамм, ғўштга боқишда эса 550 грамм семиртиришга эришган бўрдоқибоқарлар;

— товуқлар маҳсулдорлигини аввалги йилга нисбатан оширишга эришган, паррандачилик фабрикалари ва бошқа ихтисослаштирилган хўжаликларда ҳар бир товуқдан 200 тадан, қолган хўжаликларда эса 160 тадан тухум олган паррандабоқарлар.

Чорвачилик ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақага район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари район комитетлари берган материаллар асосида йиллик натижага кўра 20 январгача якун ясалади.

Социалистик мусобақа ғолиблари область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланадилар. Уларга «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонлари топширилади. Алоҳида ўрнак кўрсатган чорвадорлар учун эса 15 та енгил автомашина, 15 та мотоцикл, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига 20 та ва 50 та бепул туристик йўлланма берилади.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ЎЛКАМИЗДА баҳор нафаси кезмоқда. Яшил либосга бурканган далаларда иш қизигандан, қизиб бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини ғалабалар билан бойитиш ниятида далага отланган деҳқоннинг шу кунги ғайрати ўзгача. Чунки, бугунги ҳаракат келгуси хирмон баракасига пухта замин эканлиги сир эмас.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг деҳқонлари ҳам шу кунларда янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача 120 гектар ерга эртаки карам, 60 гектар ерга картошка, 40 гектар ерга бодринг экинлари экилди. Эртаки экинларга дастлабки агротехник ишлов бериш ҳам бошлаб юборилди.

Айниқса, совхознинг Абдураҳим Шерматов, Шавкат Нуриддинов, Аъзам Азимов бошчилик қилаётган бригада коллективлари, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлмоқдалар. Бу бригадаларда бажарилаётган ишларнинг дарли ҳаммаси механизмлар зиммасига юклатилган. Деҳқонлар ўтган йили давлатга жами 10 минг 600 тонна сабзавот топширган бўлсалар, бу йил давлатга 11 минг тонна сабзавот маҳсулотлари сотишни, сабзавот ҳосилдорлигини гектарига 270 центнерга, картошка ҳосилдорлигини эса 160 центнерга етказишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўйишган. Шу кунларда совхоз далаларини айланган киши, деҳқонлар ўз сўзларини устидан албатта чиқишига ишонч ҳосил қилади.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ 91-САККИЗИНЧИ ТУРАР-ЖОЙ САЙЛОВ ОКРУГИ ВА ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ 350-ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ОКРУГИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА

АХБОРОТИ

1979 йил 8 апрелда Чирчиқ шаҳридаги 91-саккизинчи турар-жой сайлов округи ва Чиноз районидаги 350-Ўзбекистон сайлов округи халқ депутатлари область Советига сайловлар ўтказилди.

350-Ўзбекистон сайлов округи бўйича халқ депутатлари область Советига Антонов Виктор Александрович номзоди учун рўйхатга олинган ҳамма сайловчилар овоз беришди.

91-саккизинчи турар-жой сайлов округи бўйича халқ депутатлари область Советига Потуремский Фёдор Григорьевич номзоди учун рўйхатга олинган сайловчиларнинг 99,99 проценти овоз берди.

Депутатликка овоз олган **Антонов** Виктор Александрович ва **Потуремский** Фёдор Григорьевич шундай қилиб халқ депутатлари Тошкент область Советининг депутатлари қилиб сайландилар.

ОНКОЛОГЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ

29 апрель куни Тошкентда онкологларнинг III Бутуниттифоқ съезди тантанали суратда очилди. Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг саккиз юздан кўпроқ таниқли олимлари, социалистик мамлакатлардан меҳмонлар съездда қатнашиш учун Ўзбекистон пойтахтига келдилар. Съезд ишида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти онкология бўлимининг раҳбари англиялик профессор Хиггинсон, Ҳиндистон, Франция, Германия Федератив Республикаси, Финляндия медиклари ҳам иштирок этмоқдалар.

Съезд программасига мувофиқ симпозиумлар, тематик мунозаралар ўтказилади. Ана шу симпозиум ва мунозаралар вақтида рақка қарши курашни, клиник ва экспериментал онкологияни замонавий ташкил этиш проблемалари, ёмон шишларга эрта диагноз қўйиш проблемалари, янги даволаш методлари кўриб чиқилади. Жами 600 дан кўпроқ ахборотни тинглаш кўзда тутилмоқда.

СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. Г. Сафонов «СССРда онкология хизматининг аҳволи, уни ривожлантириш вазифалари ва истиқболлари» тўғрисида доклад қилди.

Республика соғлиқни сақлаш министри С. О. Орипов Ўзбекистон ССРда аҳолига онкология ёрдами кўрсатишнинг аҳволи ҳақида сўзлаб берди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева қатнашмоқда.

Съезд 15 апрелгача давом этади.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРНИ ЯШНАТАЁТГАНЛАР

Меҳнатга онгли муносабат, касбга меҳр ва ихлос бу коллектив аҳлига катта обрў ва шуҳрат келтирмоқда. Булар эл дастурхонини ноз-неъматлар билан безаётган азаматлар. Ўтган йилги тўртинчи социалистик мусобақа ғолиби деб топилган бўлса, ана шулардан бири биз таърифлаётган Қўйлиқ теплица комбинати хўжалигидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Касаба союзлари республика Совети ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи иккинчи марта шу коллективда қолдирилди.

Комбинат захматкашлари бундай юксак шарафга осонликча эришмадилар. Теплица секцияларида бутун йил давомида қизғин меҳнат жўш уриб турди. Оқибатда 1978 йилда ҳар бир квадрат метр ердан 14,8 килограммдан ҳосил олинди. Соф фойда эса 500 минг сўмдан ортиб кетди.

— Бу йилги ниятимиз янада юксак,— дейди комбинат директори С. Чўтбоев.— Биз ўтган йилдагидан 500 тонна кўп, яъни 2500 тонна сабзавот маҳсулоти етиштириш учун қурашмоқдамиз. Бунинг учун энг биринчи навбатда меҳнатни тўғри ташкил этишга, резервлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Резервларимиз эса яқол кўзга ташланиб турибди. Айрим сабзаворкорларимиз ҳар бир квадрат метрдан 24 ҳатто 29 килограммга етказиб ҳосил олишмоқда. Бу комбинатнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори. Демак, ўзимиздаги илғорларнинг, машъалларнинг иш усулларини пухта ўрганиб, кенг жорий этишимиз зарур. Шу йўл билан ҳосилдорликни кескин оширамиз. Бу йил ҳар бир квадрат метрдан кам деганда 20 килограммдан ҳосил олинади.

Комбинат ичкарисига кирсангиз, ҳамиша баҳор яратаётганларнинг меҳнат мўъжизаларини кўриб қойил қоласиз. Бир томонда укроп, петрушка ва бошқа резавор экинлар гуркираб ўсмоқда. Помидор, бодринг тупларида ҳосил шиғил-шиғил.

Лутфи Ниёзматова комбинатнинг ажойиб сабзавоткорларидан бири. У бу йил янги ташаббус билан чиқди. Бир группа моҳир сабзавоткорлар қаторида унинг ватанпарварлик ташаббуси область партия комитети томонидан маъқулланди.

— Билдирилган юксак ишончни амалда оқлаш учун бор тажрибамни ишга соламан,— дейди у.— Элга берган ваъдамнинг уддасидан чиқиш учун янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилмоқдаман. Натижа кувончли бўлмоқда.

Ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдаман. Энг катта имконият шуки, бизда бутун йил давомида ҳарорат бир хилда сақланади. Агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширсак, ҳар туп ниҳол эътиборимизда бўлса, ҳеч шубҳасиз белгиланган марра эгалланади.

Лутфи Ниёзматова бу йил ҳар бир квадрат метрдан 30 килограммдан ҳосил олиш ниятидаги меҳнат қилаётир. Комбинатнинг ўзида ҳам ташаббускор сабзавоткорларнинг издошлари кўпайиб бормоқда. М. Ҳакимбоева, М. Мирзараҳимова, Р. Йўлдошева, М. Эшонова сингари ўртоқлар ҳар бир квадрат метрдан 24—25 килограммдан ҳосил олиш учун бел боғлаганлар.

— Биринчи квартал якунлари анча салмоқли бўлди, — дейди директор,— мўлжалдаги режаларимизни знёдаси билан адо этдик. Биз мўл ҳосил етиштириш билан бирга унинг сифатига ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Зиммамизга олган мажбуриятимизни сўзсиз бажариш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Н. РИХСИЕВ.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Областимиз корхоналари колхоз ва совхозларининг коллективларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи меҳнаткашлари билан учрашувда сўзлаган нутқидаги тавсиялар ва кўрсатмаларни муҳокама этиш давом этмоқда. Меҳнаткашлар катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида бу тавсия ва кўрсатмаларни ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили планларини амалга оширишнинг жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси социалистик мусобақанинг янада авж олишига сабабчи бўлди. Область ва Тошкент шаҳрининг саноат коллективлари маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Топшириқдан ташқари ўнлаб миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди ва реализация қилинди.

Деҳқонлар ва чорвадорлар ҳам кўклам кунларида дала ва чорвачилик ишларини авж олдириб юбордилар.

Ҳозир областимиз меҳнаткашлари ленинча коммунистик шанбаликка фаол тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу муносабат билан агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, докладчилар сиёсий ишни янада кучайтириб, бутун диққат-эътиборни меҳнаткашларни «қизил шанбалик»ка тўла сафарбар этишга қаратишлари лозим.

Оғзаки сиёсий агитация кадрлари учун навбатдаги инструктив семинар ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланиш мумкин:

Коллективда гоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг бирлиги («Политическое самообразование», 3-сон, 8—16 бетлар).

Тарбия ишига комплекс ёндошиш асосида (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 6-сон, 55—62 бетлар).

Агитациянинг ленинча анъаналари («Агитатор», 6-сон, 54—57 бетлар, «Узбекистон коммунисти», 3-сон, 81—90 бетлар).

Бунёдкорлик йўлидан («Узбекистон агитатори», 6-сон, 26—27 бетлар).

Апрель ойида суҳбатлар ва сиёсий ахборотлар ўтказиш учун қуйидаги мақолалардан фойдаланиш тавсия этилади.

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

СССР граждани бўлиш — юксак шараф ва катта масъулият. («Партийная жизнь», 5-сон, 12—17, «Партия турмуши», 3-сон, 66—71, «Узбекистон коммунисти», 3-сон, 3—12 бетлар).

Ленин ва халқ. В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига («Агитатор», 6-сон, 10—16, «Узбекистон агитатори», 5-сон, 6—10 бетлар).

Партия белгилаган вазифаларни бажарамиз. Область партия активи йиғилишининг материаллари (Республика, область газеталарининг 30-март сони).

Уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлайлик. («Правда» газетасининг 3 апрелдаги бош мақоласи).

Доимий жанговар тайёргарликда. 8 апрель — ПВО қўшинлари куни. («Агитатор», 6-сон, 29—31 бетлар).

Эркин меҳнат тантанаси. Буюк починга 60 йил тўлди. («Агитатор», 5-сон, 28—29 бетлар).

Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Тошкент ҳақиқати» газетаси 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи (Республика, область газеталарининг 27-март сони).

Бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлик куни. 1-Май га. («Агитатор», 6-сон, 23—26 бетлар).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Планларимизнинг бош мақсади. («Правда» газетасининг 30 мартдаги бош мақоласи).

Мусобақа кенг қанот ёйсин. («Партия турмуши», 6-сон, 4—9, «Агитатор», 5-сон, 2—6, «Узбекистон агитатори», 5-сон, 2—5, 11—13 бетлар).

Социалистик мусобақага бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. (Область газеталарининг 27 март сони, «Узбекистон агитатори», 6-сон, 11—14 бетлар).

Ватан машинасозлигининг янги юксалиши сари («Коммунист», 3-сон, 23—35 бетлар).

Металлни оқилона сарфлайлик. («Плановое хозяйство» журнали, 3-сон, 3—6 бетлар).

Ёнилғининг бир томчиси. («Агитатор», 5-сон, 17—18 бетлар).

Меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатлари. («Узбекистон коммунисти», 3-сон, 41—46 бетлар).

Тошкент область партия комитетида. Калинин районидаги Ўртаовул бўрдоқичилик пункти коллективининг тадбирлари. (Область газеталарининг 3 апрель сони).

Ватанга кўпроқ сабзавот, мева, узум, қовун-тарвуз берамиз. (Республика, область газеталарининг 24 март сонлари).

Дала ва фермалар техникасини авайлайлик. («Агитатор», 6-сон, 17—19 бетлар).

КПСС аграр сиёсатининг биринчи даражали вазифаси. («Узбекистон агитатори», 6-сон, 2—5 бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА:

Космос заминга хизмат қилмоқда. 12-апрель — Космонавтика куни. («Агитатор», 6-сон, 26—28 бетлар).

Халққа хизмат қилиш — бадиий маданиятнинг юксак мақсади. («Молодой коммунист», 2-сон, 7—11 бетлар).

Коммунистик меҳнатнинг эстетик моҳияти. («Узбекистон коммунисти», 3-сон, 41—46 бетлар).

Онгга оз янги кишини шакллантириш. («Политическое самообразование», 3-сон, 26—34 бетлар).

Виждон эркинлиги ва атеистик тарбия. («Правда» газетаси, 30 март сони).

Болалар — бизнинг қувончимиз, болалар — бизнинг келажагимиз. («Узбекистон агитатори», 6-сон, 8—12 бетлар).

Шаҳар ва қишлоқ турмуш шароити яқинлашмоқда. («Агитатор», 5-сон, 19—22, «Узбекистон агитатори», 5-сон, 14—16 бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ:

Социалистик ҳамдўстлик — тинчлик тарафдори, қуролсизланиш тарафдори. («Коммунист», 4-сон, 13—24 бетлар).

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг буюк анъаналари. («Партийная жизнь», 5-сон, 18 23 бетлар).

Совет Иттифоқи ва озодликка эришган мамлакатлар. («Международная жизнь», 3-сон, 3—15 бетлар).

Тинчлик учун курашда ижтимоий кучлар. («Международная жизнь», 3-сон, 98—102 бетлар).

Совет — Америка муносабатлари: реаллик ва имконият («Политическое самообразование», 3-сон, 64—72 бетлар).

Қуролсизланиш масалалари ва тенгликни юмшатиш душманлари. («Международная жизнь», 3-сон, 87—97 бетлар).

Пекин: кеча — империализм резерви, бугун — унинг иттифоқчиси. («Коммунист», 4-сон, 71—84 бетлар).

Соцкалистик Вьетнамга қарши Хитой агрессияси. («Партийная жизнь», 5-сон, 24—26, «Агитатор», 6-сон, 44—46, «Узбекистон агитатори», 6-сон, 28—31 бетлар).

Милитаризм—халқлар хавфсизлигига хавф солмоқда. («Международная жизнь», 3-сон, 22—32, 69—80 бетлар).

Маҳкум қилинганлар қуроли. («Коммунист», 3-сон, 97—111 бетлар).

Ривожланаётган мамлакатларнинг адолатли талаблари. («Узбекистон агитатори», 6-сон, 28—30 бетлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатга, сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий фактлар, мисоллар ва рақамлардан фойдаланиш тавсия этилади.

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

КОМСОМОЛ АҲБОРОТИ

БЎКА район комсомол комитетининг бўлиб ўтган пленумида бошланғич ташкилотларда сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг аҳволи атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда район комсомол комитетининг иккинчи секретари Ш. Маматов доклад қилди. Пленумда шуниигдек, мактабларга кўрсатилаётган оталиқ ёрдамини яхшилаш юзасидан вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Янгийўл шаҳар комсомол комитетининг пленумида эса КПСС XXV съезди ва ВЛКСМ XVIII съезди қарорлари асосида ёшларни аҳлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада такомиллаштириш соҳасида бошланғич ташкилотлар олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

ТОШКЕНТ шаҳар Ленин район комсомол комитети «Юность» маданият уйи ва «Восток» кинотеатри коллективи билан ҳамкорликда «Қаҳрамонлар ёнимизда» деган программада кеча ўтказди. Бу тадбир қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланганлигининг 25 йиллигига бағишланди. Кечада сўзга чиққан ўқувчиларлардан Ленин комсомоли мукофоти лауреати Е. И. Азерский, ёзувчи Ю. А. Ковалев, чўлқувар-шоир В. С. Качаев ва бошқа ўртоқлар чўлларни ўзлаштиришда совет кишилари кўрсатган жасорат ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

ҲУНАРДАН УНАР

РАЙОН марказида иш бошлаган янги ҳунар-техника билим юртининг довруғи бир зумда ҳамма ёққа ёйилди. Қурувчилик касбига ихлос қўйган йигит-қизлар Оқ-қўрғоннинг турли томонларидан оқиб кела бошлади. Билим юртида ҳозир 110 нафар ўқувчи қурувчилик касбини эгалламоқда. Улар касблари бўйича район қурилиш монтаж ташкилотларига, колхоз-совхозларга ишга юборилади.

Ўқувчилар билим олишлари, ҳунар ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё. Устахоналарда улар бевосита амалий машғулотлар ўтказмоқдалар. Касб бўйича мусобақаларда қатнашмоқдалар.

Оққўрғондаги 189-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртининг ташкил қилинганлигига эндигина бир йил бўляпти. Билим юртида ўқиш истагини билдирган ёшлар сони ой сайин кўпайиб бормоқда. Ешлар эҳтиёжини ҳисобга олиб билим юртини янада кенгайтириш тадбирлари белгиланмоқда.

М. ЗАРИПОВ.



Пойтахтдаги устки трикотаж фабрикаси коллективи орасида юзлаб комсомол-ёшлар зарбдор меҳнат қилиш мокда. Зулфия Жалилова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамлар сафида бораяпти. Суратда: бригада чеварлари Дилором Юнусова, Назима Ҳидоятова, Муаззам Пўлатова ва Зулфия Жалилова.

Т. Ҳасанов фотоси.

БОҒЧА-ЯСЛИЛАРГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари кейинги йилларда чорва маҳсулотлари етиштиришда катта-катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Хўжаликнинг барча соҳаларида ишлаётган хотин-қизларнинг фидокорона меҳнати бу ютуқларга шубҳасиз салмоқли ҳисса бўлиб қўшиляпти. Айтлар, айниқса болали оналар жамоат ишида самарали иштирок этишлари учун барча шароит муҳайё қилинган.

Бу ердаги марказий ва тўрта участка болалар боғча-яслисида 684 кичкинтой тарбияланмоқда. Боғчаларда болакайлар соғлом ўсишлари, замонавий тарбия олишлари учун етарли асослар яратилган. Сут соғувчиларнинг фарзандлари учун сменали группалар ташкил этилибди. Яхши танланган педагог кадрлар, ҳизмат кўрсатувчи кишилар, медицина ходимлари ўз бурчларини сидқидилдан ado этишаётир. Санитария-гигиена қоидаларига тўла-тўкис риоя қилинади. Етоқхона, ўйин майдончалари ҳамиша сариштa. Ота-оналар бурчаги, тарбиячиларга ишда ёрдам берадиган методика хонаси керакли материаллар билан жиҳозланган. Ота-оналар фарзандлари ишончли масканда, ишончли қўлларда парвариш қилинаётганлигидан беҳад мамнунлар.

— Совхоз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари боғчалар масаласини доимо диққат-эътиборда тутишади, — дейди марказий «Солнышко» болалар боғча-яслисининг мудираси Ойша Рамазонова. — Айниқса директоримиз Николай Иванович Гусаков боғча деганда жонини беради. Озиқ-овқат, гўшт ва сут маҳсулотлари, сабзавот ва мева билан бевосита совхознинг ўзи таъминламоқда. Ҳар куни эрталаб тўғри фермадан янги соғилган сут келтириб беришади. Шу йил бошидан бери биргина бизнинг боғчамиз учун 1500 сўмлик ўйинчоқ сотиб олинди. 3 та катта ва ўрта, 2 та ясли группаларида 127 ўғил-қиз яйраб кувнаб ўсмоқда. Уларга тарбиячи, музика раҳбари, эҳнага, медицина ҳамширалари, ошпазлар — жами 23 киши парвона.

Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига қарашли «Радость» боғча-яслисида 184 бола тарбияланади. Тажрибали педагог Клавдия Алексеевна Александрова бошлиқ 40 нафар ходима ишчиларнинг фарзандлари эркин, соғлом ўсишлари учун турли тадбирларни амалга оширишмоқда. Энг яхши группа, энг яхши тарбиячи, энг яхши эҳнага номини олиш учун конкурслар ташкил қилинган. Методист Флюра Аҳмедова, тарбиячилардан Галина Черновалова, Ирина Одилова, Любовь Перфилова ва бошқалар боғча ишининг ҳақиқий жонкуярлари ҳисобланишади.

Комбинат директори В. Гараев, партия комитетининг секретари Ф. Аҳмедов, касаба союз комитетининг раиси В. Маркушилар тез-тез бу ерга келишиб, таълим-тарбия ишлари, моддий аҳволдан хабар олиб туришади. Айниқса, озиқ-овқат таъминотига катта эътибор беришади. Райондаги йўл эксплуатация участкаси, машина-экскаватор станцияси, авторемзавод, «Олмазор» богдорчилик-узумчилик совхози, Охунбобоев номли, Навоий номли колхоз раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари мактабгача тарбия муассасаларининг ишини яхшилаш юзасидан катта ишларни амалга оширишмоқда.

Аммо Чиноза эътибордан четда қолаётган боғчалар ҳам йўқ эмас. Район халқ маорифи бўлимининг «Чайка» болалар боғчаси 90 ўринга мўлжаллаб қурилган ни ҳолда бу ерда 176 бола тарбияланяпти. Биз борган куни 170 бола келган. Етоқхона билан ошхона ва дам олиш хонаси битта залга жойлашган. Бир томонда болалар ухлашга ётқизилса, иккинчи томонда идиш-товоқлар тарақлатиб ювиляпти. Атроф ифлос. Афтидан район санитария ходимлари боғчага келишмайди чоғи, акс ҳолда бундай аҳволга йўл қўйишмаган бўларди. Боғча ҳовлиси болалар ўйнаши учун ростлаб жиҳозланган, гулзорда қўшни идорага қарашли кўчатлар қалашиб ётибди.

Ҳамроҳимиз — район халқ маорифи бўлимининг болалар муассасалари бўйича методисти Эътибор Қодирова бу аҳволни шундай шарҳлайди:

— Районда 37 та доимий болалар боғчаси мавжуд, улардан 10 таси давлат хисобида, 10 таси совхозларда, 10 таси колхозларда, 7 таси корхоналарга қарашли. Айниқса Чиноз шаҳри ва посёлкаларда боғча етишмаслиги бизни қийнамоқда. Ҳозир кўлимизда 1400 та ариза бор. Шу сабабли айрим боғчаларда қўшимча сифатида йигма кроватлар қўйиб беришга мажбур бўляпмиз.

— Боғча хоналари ифослиги, ётоқхонадаги тартибсизликка нима дейсиз?

— Мудира Рихси Эргашева бетоб экан. Мен медсестра ва ошпазларга тозаликни сақлаш ҳақида айтдим...

Колхоз ва совхозлардаги айрим боғчаларда тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Баъзан боғчага рўйхатдаги болаларнинг жуда озчилик қисми келади. Тарбиявий ишлар плани вақтида тузилмайди, кунлик режимга риоя қилинмайди. Мавжуд боғчаларнинг 14 тасигина замонавий асосда қурилган. Қолганлари шу кунги талабга жавоб бермайдиган биноларга жойлаштирилган. Ошхона ва ёрдамчи хоналар, ўйин майдончалари санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Районда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилиши жуда суст олиб борилмоқда. Шу сабабли етти ёшгача бўлган чинозлик ўғил-қизлардан 80 процентга яқини боғча ва яслиларга қатнаш имкониятига эга эмас!

Далаларда кўкламги экиш ишлари бошланиб кетди. Дала шийпонларида мавсумий боғчалар ташкил қилиш, уларда ишлаш учун муносиб кадрлар танлаш, таъминотни йўлга қўйиш шу кунининг энг муҳим вазифаларидандир. Ўйлайлик, чинозликлар ўз келажаклари бўлган фарзандлари ҳақида ғамхўрлигини кучайтирадилар, боғча ва яслилар ишини янада яхшилайдилар.

А. АБДУБАННОПОВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Ташаббуснинг қаноти бор дейишади. Москваликларнинг доҳий В. И. Ленин таваллудининг 109 йиллиги шарафига 21 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини Коммунистик районидаги Янгибозор луб заводи коллективи биринчилар қатори қўллаб-қувватлади. Ҳозирда каноп толаси пиллакорлари апрелнинг учинчи шанбасида бўладиган меҳнат байрамига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

— Корхонамиз коллективи, — дейди завод партия ташкилотининг секретари Ф. Сагидуллина. — «Буюк почин» анъаналарига содиқ қолиб, «Қизил шанбалик»ка бир тан, бир жон бўлиб чиқади. «Шанбаликда — юксак кўрсаткичга эришамиз!» Корхонамиз 300 дан ортиқ ишчи ва хизматчисининг мақсади ана шундай.

Шанбалик ўтказиш юзасидан ташкил этилган штаб меҳнат байрамида қилинадиган ишлар программасини эълон қилди. Унга кўра шу куни 2800 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шанбаликдан тушган 1200 сўм иш ҳақи сифат ва самарадорлик беш йиллиги фондига ўтказилади.

Корхона меҳнатчилари «Қизил шанбалик» программасига ўтган йилги шанбаликда бажарилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан зиёд бўлган иш ҳажмини киритишган. Жумладан, ленинча коммунистик шанбалик куни 2,5 минг квадрат метр саҳн чиқинди ва темир терсакларидан тозаланади, умумий узунлиги 350 метрдан зиёд бўлган суғориш шахобчалари зилол сувларнинг равон оқиши учун шайлаб қўйилади.

Т. ТОШЕВ.

ЗАРБДОР БУЮРТМАНИ БАЖАРАМИЗ

Тўйтепадаги металл конструкциялар заводининг коллективи Олмалиқ химия заводининг реконструкция қилинаётган иккинчи навбати учун маҳсулот тайёрлашни 21 апрель куни тугаллашга қарор қилди. Бу иш графикда белгиланганидан ўн кун барвақт бажарилади.

Ишчилар меҳнат байрами кунида фосфор кислотаси ва аммофос экстракция цехлари учун 100 тонна пўлат устунлари, тўсинлар ва майдончалар тайёрлайдилар. Александр Кравченко, Анатолий Сорокин, Ваяков Сандер бошчилик қилаётган йигувчилар бригадалари меҳнат байрамида иккитадан норма бажаришга сўз бердилар, пайвандчи Шевкет Межитов эса энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга — кунлик топшириқни 250 процент бажаришга аҳд қилди.

Корхонада «Қизил шанбалик» учун яримфабрикалар тайёрлаш, чизмаларни комплектлаш, пайвандлаш ишларини ҳозирлаш, технологияни ишлаб чиқиш бошлаб юборилди.

Меҳнат байрамида 1400 киши қатнашади, улардан салкам минг киши иш жойларида бўлади. Штабнинг ҳисоб-китобларига кўра, 21 апрель куни ҳар бир кишининг ўртача иш унуми бир ярим смена нормасига тенг келади.

(ЎзТАГ мухбири).

КЎЧМА СЕМИНАР

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Ленинизм» колхозида область «Билим» жамиятининг кўчма семинари бўлиб ўтди. Район партия комитетининг секретари С. Ж. Йўлдошева лекторларга ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида қўйилган вазифаларни бажариш йўлида оққўрғонликлар олиб бораётган катта ишлар тўғрисида гапириб берди. Шундан сўнг семинар машғулоти бошланди.

Тошкент область партия комитети лекторлар группасининг раҳбари С. Ризаев «Билим» жамияти аъзолари олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди. Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни омма онгига етказишда ўз ташкилотлари олиб бораётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

П. ЭРГАШЕВ.



В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг коллективи 1979 йил биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этди. Суратда: илғор мис эритувчилар Виктор Чуриков ва Анатолий Чередниченко.

В. Сироткин фотоси.

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

РАНГ-БАРАНГ ЛИБОСЛАР

ХАЛҚАРО болалар йилида областимиздаги фарзандлар учун кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган барча саноат корхоналарида самарадорлик ва сифатни ошириш бўйича қатор диққатга сазовор тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Жумладан, бирнеча тикув корхоналарида ўғил-қизлар учун тикилаётган кийим-кечакларнинг сифатини ва кўримлилигини янада ошириш борасида мактовга лойиқ ишлар қилинаяпти. Жумладан, пойтахтимиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бу борада салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар бу йил 5 миллион 500 минг дона болалар ички кийимлари, 6 миллион 550 минг дона устки трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришдек юксак маррани кўзлаб фидокорона меҳнат қиляптилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан 385 минг дона кўпдир.

Бирлашмада ўнлаб зарбдорлар шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари ado этиш бўйича оширилган мажбурият олиб ишлаяптилар. Бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий планини бажариш мажбуриятини олган машҳур тўқувчи Шоира Холмуҳамедованинг меҳнат календарида 11-беш йиллик давом этяпти. Унинг ҳамкасблари А. Гладкова, Е. Сергеевалар 1979 йилнинг биринчи квартал планларини СССР Олий Советига сайловлар кунигача бажариб, улкан муваффақиятни қўлга киритишди.

Устозлар билим ва маҳоратини тинмай ўзлаштириб бораётган ёшлардан С. Абдувалиева, Л. Рогова, М. Ҳидоятова, С. Асилбоева қаби пешқадамлар ҳам кунлик шахсий нормаларини 1,5—2 бараварга етказиб ado этишмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида зарбдор меҳнат қилиб, ойлик ва квартал топшириқларини ошириб бажаряпти. Ҳар куни чеварлар қўлидан 3300 дона костюм, пиджак ва болалар мактаб формалари чиқмоқда. Бирлашмада филиаллараро мусобақада биринчи филиал чеварлари голиблик қилишяпти.

— Филиалимиз коллективи орасида беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётган илғорлар анчагина,— дейди бошлиқ Қ. Пўлатов.— А. Тўлаганова, А. Бусленко, А. Ким, З. Ефремова кабилар шулар жумласидандир.

Юқорида айтилган иккала корхона коллективи ҳам Халқаро болалар йилида фарзандлар учун ишлаб чиқариладиган кийим-кечаклар ассортиментини янада кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда давом этишмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

ЯХШИЛИК ва эзгу ният йўлида қилинган ҳар бир иш одамлар ёдидан кўтарилмайди. У инсонга билдирилган ҳурмат ва эҳтиром сифатида тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб яшайверади. Тарихимиздаги фидойилар, эл бахти саодати учун курашганлар ана шу тариқа тилларда ҳамиша достон бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб уларга ҳамроҳ бўлиб келадилар.

Адабиётимизнинг оташнафас намояндаларидан бири, унинг яловбардори Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ана шундай халқ ҳурматига сазовор бўлган чинакам инсон эди. Ҳамза Ҳакимзода инқилобни куйлаган, шу инқилобий адабиётнинг асосчиси сифатидагина эмас, ўзининг қайноқ, жанговар ижтимоий фаолияти билан санъатимиз ва маданиятимизнинг тараққиёти учун катта хизмат қилди. Инқилобнинг илк маърифатчиларидан бири сифатида эл оғзига тушди. Халқ ҳурматига сазовор бўлди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1914 йилдаёқ «Мактаб» деб аталган шеърида илм ва маърифатнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Шоир ҳақиқатни, одоб ва аҳлоқни, ҳуллас, инсондаги яхши фазилатларнинг кўпчилигини рўёбга чиқариш учун илм ўрганиш керак деб қуйлаган ва шундай мисралар ёзган эди:

Эрур илми адаб, фазлу ҳунар осори мактабдан,
Етар ҳар рутбаи олий эса таъсири мактабдан.
Ҳама гулшан уза ёмғур ёғуб чун сабзазор этса,
Тараққи гулшани обод улур анҳори мактабдан.

Адабиётимизнинг оташнафас намояндаларидан бири, унинг яловбардори Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ана шундай халқ ҳурматига сазовор бўлган чинакам инсон эди. Ҳамза Ҳакимзода инқилобни куйлаган, шу инқилобий адабиётнинг асосчиси сифатидагина эмас, ўзининг қайноқ, жанговар ижтимоий фаолияти билан санъатимиз ва маданиятимизнинг тараққиёти учун катта хизмат қилди. Инқилобнинг илк маърифатчиларидан бири сифатида эл оғзига тушди. Халқ ҳурматига сазовор бўлди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1914 йилдаёқ «Мактаб» деб аталган шеърида илм ва маърифатнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Шоир ҳақиқатни, одоб ва аҳлоқни, ҳуллас, инсондаги яхши фазилатларнинг кўпчилигини рўёбга чиқариш учун илм ўрганиш керак деб қуйлаган ва шундай мисралар ёзган эди:

Эрур илми адаб, фазлу ҳунар осори мактабдан,
Етар ҳар рутбаи олий эса таъсири мактабдан.
Ҳама гулшан уза ёмғур ёғуб чун сабзазор этса,
Тараққи гулшани обод улур анҳори мактабдан.

Ҳамза Ҳакимзоданинг табаррук қадами теккан жойлардан бири Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг ҳозирги Хўжайли районидир. Ҳамзашунос олимлар айниқса, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, профессор Лазиз Қаюмов шоирнинг мазкур Хўжайлидаги маориф ишларининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатган. Шунингдек олим Ҳамза интернат ташкил қилиш учун ўтказган тадбирларнинг иштирокчиси, хўжайлилик кекса муаллим Тўлаган Тулеевнинг хотираларини келтириб ўтади. «Бу даврда кўчаларда, бозорда, қовурдоқхоналарда юрган отаонасиз болалар кўп эди. «Ана шундай болалар учун интернат ташкил қилиш керак ва бу ишни амалга оширамиз ҳам», — деди Ҳамза. Бунинг учун маблағ керак эди, албатта. Ҳамза раҳбарлигида биз халқдан пул йиғишга киришдик. Буни амалга ошириш учун халқ ўртасида тушинтириш ишларини олиб бориш керак эди. Бизнинг ҳар кунлари Ҳамза халқ ўртасида докладлар қилди, Совет ҳокимиятининг қандай эканлигини уларга тушинтирди. Халқнинг ҳозиргача оғир турмушда яшаб келганлиги, энди озод, тенг ҳуқуқли бўлганлигини гапирди.

Бозор кунлари қизиқ ўйинлар ҳам қўйиб берар эди. Бу ўйинларда ҳам халқнинг оғир турмушини кўрсатиб, энди бундай турмушдан қутиламиз, — деб тушунтирар эди.

ҲАМЗА ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА

Жаҳолатни илм орқали енгиш мумкинлигини ўйлаган, халқнинг маърифатли бўлишини орзу этган шоир ҳамиша мактаб ва илмнинг бениҳоя зарурлигини ана шундай кучли орзу билан қуйлаган эди. Шоирнинг эзгу ниятлари Улуғ Октябрь инқилоби туфайлигина рўёбга чиқди. Унинг қадами теккан ҳар бир жойда мактаблар очилди, илм-маърифатнинг уруғи сочилди. У она тупроғини кўп кезди, қаерда ли музофотидаги фаолияти ҳақида жуда мукаммал, аниқ маълумотлар беради. Ҳамзанинг Хўжайлидаги маърифатпарварлик фаолиятини юксак баҳолайди. Олимнинг таъкидлашича, Ҳамза Ҳакимзода 1922 йил сентябридан 1924 йил август ойигача Хўжайлида бўлган. Мазкур районда интернат ташкил этган. Унда директор бўлиб ишлаган, намуна мактабига мудирлик қилган. Шоир фақат шу районгина эмас, балки бутун қорақаллоқ элида жаҳолат, қоронғулик бўлса шу ерда маърифат нурини тарқатишга, халқ қалбига зиё бағишлашга бел боғлади.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯЧИЛАРИ

МЎҒУЛТОҒ УЗРА ТОНГ

ҚУЁШ Мўғултоғ узра заррин нурларини соча бошлади. Ҳабибулла «КРАЗ» автомашинаси кабинасида тонгни қарши олди. Жонажон Бекобод шаҳрига нур ва иссиқлик олиб келаётган электр узатиш линиялари аранг кўзга ташланарди.

Ҳабибулла асли бекободлик. Шу ерда туғилиб—ўсди, ўқиб, касб эгаллади. Шу ердан армия сафига чақирилди ва коммунист, запасдаги катта сержант сифатида юртига қайтиб келди.

Ушандан бери ҳам кўп йиллар ўтди. Ҳабибулла ака эса 16-автомобиль транспорти корхонасида оғир юк кўтарувчи самосвал рулига ўтирганича, уни бошқаришни давом эттирмоқда. Йиллар ўтиши билан болалари вояга етмоқда. Катта қизи Матлуба ўн беш, ўғли Ғайбулла — ўн уч ёшга тўлди. Гулчеҳра, Феруза ва оиланинг кенжаси — уч ёшли Зиёда ҳам улғаймоқда.

Болаларини эслар экан, унинг чеҳраси ёришиб кетди, кўзларидаги ҳорғинлик ўрнини қувонч эгаллади.

Навбатдаги тунги смена охирлаб қолганди. Ҳабибулла машинаси кузовидаги перфиритни тушириб, уйга — оиласи, болалари ҳузурига кетишга ҳозирланмоқда. Норуда материаллари заводига узлуксиз перфирит етказиб бериш у раҳбарлик қилаётган бригада ҳайдовчиларига топширилган.

Мўғултоғ узра отаётган тонгни фақат Ҳабибулла эмас, бригаданинг яна йигирма саккиз нафар аъзоси қарши олди. Оддий меҳнат тонги. Карьердан заводга қадар бўлган масофа 2 километрни ташкил этгани ҳолда, ҳар 7—10 минутда бир рейс бажарилади. Бундай ишга ҳамма ҳам бардош бера олмайди. Баъзилар енгилроқ иш излаб ўтиб ҳам кетяпти. Бригаданинг негизини ташкил этган коммунист Музаффар Отабуллаев, Ниёз Сулаймонов, Петр Ким, бригадирнинг укаси Нурилла, Боймород Султоновлар аксинча, ҳеч қандай қийинчиликни писанд этмай, зиммаларидаги топшириқни бир ярим—икки баробарга етказиб бажаришяпти. Ҳабибулла ишни шу кишилар билан бошлади, шулар билан давом эттирмоқда.

...Ушанда бундай бўлган эди. Ҳабибуллани автокорхона директори Қорабоев ўз ҳузурига таклиф қилди.

— Федюнин методи бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг иши тўғрисида бирор нарса эшитганмисиз? — деб сўради Ҳолиқберди Эргашевич.

— Бу ҳақда ўқиганман, биламан, — жавоб берди Ҳабибулла.

— Жуда яхши. Корхонамизда бригада пудратини жорий этамиз. Бу ишни биринчи бўлиб сиз бошлаб берсангиз деган иддиомимиз бор.

Ҳабибулла, нима сабабдан бошқалар эмас, мен бошлаб беришим керак, деб сўрамоқчи бўлди-ю, индамади. Чунки, саволсиз ҳам ўз-ўзидан тушунарли эди. У саккизинчи беш йиллик планини ортиғи билан адо этди ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Тўққизинчи беш йилликда икки беш йилликни бажарди, шаҳар партия комитетида тантанали равишда кўксига Ленин ордени тақилди.

Ишнинг кўзини билган, техникадан юқори унум билан фойдаланган кишининг меҳнати зое кетмайди ва унга мураккаб, масъулиятли вазифаларни ишониб топширадилар. Ҳабибулла ҳам бунга ўрганиб қолган. Армияда взвод командири ўринбосари вазифасини бажарганида ҳам шундай эди. У автокорхонага дастлаб мойловчига шогирд сифатида ишга келган кундан бошлаб қийинчиликларга чидаш, ўз ишини пухта бажариш каби одатга ўрганди. Армия сафига чақирилганда эса слесарь, автомеханик ҳайдовчи касбларини эгаллашга улгурган эди. Шу сабабли ҳозир ҳам янги, мураккаб ишга қўл уришдан бош тортмоқчи эмасди.

— Яхши ,— деди у Ҳолиқберди Эргашевичнинг таклифига жавобан.

— Бригадага иродали ёшлардан танлаб оламиз, завод билан шартнома тузиб, уни бажариш учун сизларга зарур шарт-шароитлар яратиб берамиз. Лекин, асосий нарса Сизнинг янгилар билан ишлаш қобилиятингизга, техникадан усталик билан фойдаланишингизга боғлиқ.

Ҳабибулла буни яхши биларди. У ишни янгича ташкил этишни аниқ тасаввур эта олмаса ҳам, ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун билими ва тажрибасини аямаслигини ҳам яхши биларди. Кейинроқ иш жараёнида буни исботлади.

ОЧЕРК

Иш ўзгарувчан график бўйича уч сменада ташкил этилди. Ҳар бир сменага тажрибали ва ҳалол ишлайдиган ҳайдовчилар бошлиқ қилиб тайинланди. Ана шу кишилар орқали Ҳабибулла бригада ва унинг ишини бошқаришни, ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишни ўрганди. Ўзи ишда ҳам, машинани сақлаш ва уни ишлатишда ҳам бригада аъзоларига намуна кўрсатди. Ҳар сменада 27—30 рейс бажариб, машинани ҳар томонлама кўздан кечириб, ишга тахт қилиб қўйгандан кейингина уйига кетарди.

Сменадош, укаси Нурилла машинанинг доимо созланган, ишга тахт ҳолда сақланиши юзасидан ишларни ўз зиммасига олганлигини айтиб ўтиш зарур. Чунки, у бригада бошлигининг зиммасида яна кўпгина бошқа ташкилий ишлар борлигини яхши тушунади. Ҳабибулла ишни шундай ташкил этдики, бригада энг юқори меҳнат унумдорлигига эришди. Бу кўрсаткич рўйхатдаги ҳар бир автомашина ҳисобига 12002 тоннани ташкил этади. Бир хил шароитда ишлаётган бирорта ҳам бригада бундай кўрсаткичга эришгани йўқ. Улкан муваффақиятга эришишда заводнинг С. Содиқов бошчилик қилган механик-юкловчилар коллективининг ҳам хизмати каттадир. Улар пудрат—шартнома усулининг шартларини бажарган ҳолда автомашиналарга перфиритни узлуксиз юклашни таъминладилар.

Дастлаб анча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Машиналарнинг ҳайдовчилар, шунингдек, завод ишчиларининг айби билан бекор туриб қолган пайтлари ҳам бўлди. Лекин, аста-секин улар ўртасидаги ўзаро алоқа йўлга қўйилди. Николай Ким бошчилик қилган ҳайдовчилар бригадаси ҳам Ҳабибулла ва унинг ҳамкасбларидан ўрнак олиб, улар ҳаракатига қўшилганида ишлар янада юришиб кетди. Н. Ким бригадаси пудрат—шартнома тузиб, қўшни бригадани мусобақага чақирди. Бригада бошлиқлари бир-бирларининг муваффақиятларини қизиқиш билан кузатиб, биринчиликни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилдилар. Ҳабибулла иш кунининг яна бир тонгини машина рулида қаршилар экан, смена давомида ташиладиган юк ҳажми ва юк оборотини фикридан ўтказди. У кечагидан кўра салмоқли рақамни ташкил этарди.

Абдужабборов машинаси рулига ўтириб, йўлга равона бўлди. Ҳайдовчилар смена алмашадиган жойда уни Музаффар Отабуллаев, Петр Ким, укаси Нурилла, бошқа ҳайдовчилар аллақачон кутиб туришарди.

— Муваффақиятлар қалай, ўртоқ бригадир? — қизиқиб сўради Отабуллаев.

— Одатдагидек — деб жавоб берди Ҳабибулла.

Бошқа ҳеч ким ҳечнарса сўрамади.

«Одатдагидек» сўзи етти соатда ўттиз рейс бажарилди, деган маънони англатишини ҳамма биларди...

Абдужабборов машинани Нурилла топшириб, ўзи уйга жўнади. Бироз дам олиб, республика автотранспортида бригада пудратини жорий этишга бағишланган илмий-амалий конференцияда сўзга чиқишга тайёрланиши керак эди. Куни кеча Ҳолиқберди Эргашевич ҳузурига чақириб, бу тўғрида огоҳлантириб шундай деди:

— Юқори минбардан сўзга чиқасиз, яхшилаб тайёрланинг. Министрнинг ўзи иштирок этади.

Минбар ҳақиқатда юқори эди. Ҳабибулла ўз ҳамкасблари, улар москвалик ҳайдовчилар методи бўйича қандай ишлаётгани тўғрисида кўп нарсаларни ҳикоя қилиб бериши мумкин эди. Лекин энг асосий, энг муҳим нарсалар ҳақида гапириш лозим. Ундан иши тўғрисидаги ҳисоботни эмас, балки бригада коллективининг тажрибаси билан суғорилган янги фикр ва мулоҳазаларни кутмоқдалар. «Худди мана шулар тўғрисида гапириш керак», — деб кўнглидан ўтказди Абдужабборов.

Конференцияда у ўзига ўхшаган автотранспортчиларга бригада пудрати ўзини тўла оқлагани ва унинг ўзи, Николай Ким, Нурилла, Василий Скрипниковлар ана шу методни жорий этганликлари учун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Кўргазмасининг Дипломи ва бронза медаллари билан мукофотланганлиги ҳақида ҳам гапиради. Янги иш усулини жорий этиш борасидаги тажрибасидан мисоллар келтириб, орденлар тақилган костюмини ечиб, самосвал рулига ўтирган ҳолда, конференция қатнашчиларига иш жойини, унинг ўзига хос шароитларини кўрсатади...

Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали олдинда. Ҳозир эса у чарчаган, дам олиш ниятида уйига, болалари ҳузурига йўл олиб, Мўғултоғ узра тонгни яна бир бор қарши олмоқда...

А. ГОНЧАРОВ,
Л. МАТКАРИМОВА,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта инженерлари.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторияларида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ишда ёш олимларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Суратда: катта инженер Ҳ. Тошпўлатов билан лаборант А. Исмоиловалар илмий иш устида.

И. Хонкелдиев ва С. Серикбоев фотоси.

ДАДИЛ ОДИМЛАР

КОММУНИСТИК РАЙОНИ. (Ўз мухбиримиздан). Айни кунларда далаларни кезган кишининг баҳри дили очилади. Қир-адирлар кўм-кўк баҳор либосига бурканиб ётибди. Қиши билан кўкламни зориқиб кутган деҳқонлар янги куч, янги ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Мўл янги ҳосилни кўзлаб она ер бағрига барака уруғи қадамоқдалар. Уларнинг беш йилликнинг тўртинчи йили ҳирмонига замин яратмоқдалар.

Коммунистик районидаги Усмон Юсупов номли сабзавотчилик совхози ишчилари ҳам барвақт ҳаракат қилиб эртаки сабзавот, картошка, маккажўхори экиш планларини тўла ва ошириб бажардилар.

1975 йилда совхозда бор-йўғи тўрт минг тоннага яқин сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирилган эди. Ўтган йили совхозда дастлабки йилга нисбатан уч баробар кўп — 11 минг тонна турли маҳсулот етиштирилди.

Давлатга сабзавот сотиш плани 157, картошка сотиш плани 108,9 процент қилиб адо этилди. Полиз, пилла, дон сотиш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Совхоз мусобақада ғолиб чиқди ва районда биринчи ўринни эгаллади.

1978 йилда совхоз 211 минг сўм соф фойда олди. Бу 1977 йилдагига нисбатан 111 минг сўм кўпдир.

Эришилган ғалабадан руҳланган совхоз ишчилари ютуқларни мустаҳкамлаш ва янги марраларни эгаллаш учун курашиб ҳозиргача 173 гектар ерга эртаки картошка, 140 ўринга 164 гектар ерга эртаки сабзавот — карам, шеъз, ош лавлаги, редиска ва сабзи экдилар.

Умуман совхоз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 5140 тонна картошка, 3380 тонна сабзавот, 1915 тонна полиз маҳсулоти, 480 тонна маккажўхори дони, 694,5 тонна дон, мева ва узум етиштириш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқдалар. Бу ўтган йилга нисбатан 3000 тонна кўпдир.

Совхознинг Усмон Шахов бошлиқ звено аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 14 тоннадан картошка олиб совхозда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

Бу йил совхозда Жуман Фернабеков, Усмон Маматқулов сингари ўртоқлар бошлиқ 7 та механизациялашган звено тузилди. Звено бошлиғи—механизаторга 210 сўм, 6 кишидан иборат звено аъзоларининг ҳар бирига 150 сўмдан ойлик белгиланган. Агар звенода белгиланган пландан ошиқча маҳсулот тошпирилса, шу маҳсулот қийматининг 50 процентги звено аъзолари ўртасида тақсимланади.

— Ҳозир ҳосилдорликни ошириш ,сифатни яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш энг муҳим вазифа бўлиб қолди. Шу жиҳатдан Усмон Шахов бошлиқ звеноннинг иш тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Биз бу тажрибани кенг қўллай бошладик, — дейди совхоз директори Турғун Орипов.

Совхозда янги ерларни ўзлаштириш, ирригация тармоқларини бетонлаштириш, лотоклар қўйиш, турар жой, маиший бинолар қуриш ишлари ҳам жадал бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 149 гектар қўриқ ер ўзлаштирилди.

Кейинги икки-уч йил ичида 50 гектар токзор ва 32 гектар боғ барпо этилди. Совхознинг марказий қишлоғи ҳам йилдан йилга обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Сабзавот омбори, янги идора, магазин, турар-жойлар қурилиб, кўркам замонавий қишлоқ вужудга келмоқда. Ўтган йили 17 хўжалик янги уйларга кўчиб кирди. Икки қаватли «Наврўз» магазини ишга тушди. 1 гектарлик теплица, болалар боғчаси битай деб қолган. Бу йил яна 21 хўжалик учун турар жой, марказий чойхона қуриш мўлжалланмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК

Греция ғазабда. Узининг шоирлари ва сиёсатчилари оғзида, ишчилари ва студентлари митингида, уйлар деворларига ёпиштирилган шиорларда, намойиш колонналари узра тўлқинланган ёзувларда: «Вьетнамдан қўлингни торт!».

Вьет-нам, Вьет-нам,
Вьет-нам,
Бу сўз озодлик ноғорасида
Гумбурлар, урилар бонг
кетидан бонг.
Вьет-нам, Вьет-нам,
Вьет-нам,
Кетма-кет тепади курра
юраги
Сенинг юрагингда, Вьетнам,
Коинот юрагида.

Яннис Рицоснинг овози сокин. Лекин у гапирган пайтда, уни бутун Греция эшитади. Чунки Яннис Рицос—халқ шоири. Бу — Греция овози. Уни бутун дунё эшитади. Чунки Яннис Рицос — «Халқлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати.

«Бу — ҳайқирик. Поэма эмас», — дейди у ўз шеъри ҳақида.

Вьетнам, атрофингга
бирлашди жами халқ.
Бизнинг ичимизда ҳеч
кимнинг уйи йўқ, бир уйдан
бошқа,
Бизнинг ичимизда ҳеч
кимнинг иши йўқ, бир ишдан
бошқа,
Бугун бизда ёлғиз ном:
Вьетнам,
Ягона чиқиш йўли:
Вьетнам,
Курранинг умумий томир
уриши:
Вьетнам,
Ва юракларнинг танҳо
байроғи:
Вьетнам.

Яннис Рицос шеъри чиққан ўша газетада шеър билан ёнма-ён Перистеридаги Афина райони муниципалитети Совети резолюцияси босилган: «Муниципалитет Совети Хитойнинг қаҳрамон Вьетнам халқига қарши вахшийларча ҳарбий босқинчилигини қоралайди, ўз озодлиги учун курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлигини билдиради ва ўз овозини ер юзидаги пок ҳамда тинчликсевар барча одамлар овозига қўшади: «Вьетнамдан қўлингни торт!».

Бу чиндан ҳам бирликдаги туйғу, бирликдаги ўй, бирга-ликда олинган нафас.

«Бугун менинг фикру ўйим ўз миллий мустақиллигини талаб қилиб курашаётган, жуда кўп азобларни бошидан кечираётган Вьетнам билан бирга», — дейди парламент депутати, социалист Т. Куцогерас.

Бу — сиёсатчининг овози.

«Тинчликсевар Вьетнамга қарши Хитой агрессияси ҳар бир виждонли кишида қаҳру ғазаб уйғотди. Агар Вьетнам халқининг озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш учун босқинчи ҳамда империалистларга қарши курашда тўккан қонини, чексиз қурбонини ҳисобга олганда, бу агрессия янада даҳшатли ва вахшийроқ бўлиб қолмоқда, — дейди Афина политехника институти инженер факультетининг декани П. Рокос. — Биз, иккинчи жаҳон урушининг даҳшатларини бошидан кечирганлар учун бу воқеа Мюнхенни эслашга мажбур этади. У ерда империалистик мамлакатлар Гитлер армиясини Совет Иттифоқига қарши қўйишга ҳаракат қилгандилар. Бугун Хитой раҳбарларининг ўзи империалистик давлатлар пойтахтларига бориб, социалистик мамлакатларга зарба бериш учун ўз хизматларини таклиф этмоқдалар. Ўз-ўзини алдашнинг ҳожати йўқ: худди шундай ўйинни ҳозир Пекин олиб бормоқда».

«Қайдан сўз топай қаллобликни тамғалаш учун», — деб сўрайди Яннис Рицос.

Поэма ёзмайди ғазаб,
Перони синдирар, сўзни
синдирар ғазаб,
Қанотни синдирар ғазаб,
Майли ўсиб чиқсин
қанотлар ўрнига шамшир,
Майли перо ўрнин олсин
найзалар.

Кўчалар, студентлар аудиторияси ва парламентдаги ғайри расмий учаршувлар кайфиятини Яннис Рицос нақадар аниқ ҳис қилганлигини тушуниш учун шу кунларда Афинада бўлмоқ керак.

— Кейинги йилларда биз Хитой раҳбарларининг тинчликни таҳликага солаётган ва бутун жаҳон озодлик ҳаракатига зарба бўлиб тушаётган сиёсатидан бир неча бор ғазабландик, — дейди Қаршилик ҳаракати қатнашчиларининг грек иттифоқи раҳбари, Қаршилик курашчиларининг Халқаро Федерацияси вице-президенти Спирос Кацакич.— Хитой аксилсоветизмнинг кўр туйғусини бошқара туриб, халққа қарши фашистик диктаторлик союзи режимига тушиб қолди. Лекин Вьетнамга—миллий қаҳрамонлик ва озодлик курашининг муқаддас рамзига қарши агрессия бутун жаҳонни ларзага келтирди, нафрат бўронини тўзғитди. Ким-кимга ташланди, ким ўзга территорияга ва қайси мақсад билан бостириб кирди — ҳеч қандай оғзаки найранг фактларни бекитишга қодир эмас.

Кунлар келар Хитой халқи уйғонар,
Қандай унга хиёнат қилди
тушунар,
Қалқинг, дўстлар! Вьетнам
посбонлигида,
сизнинг жойингиз!
Яннис Рицос турар Вьетнам
посбонлигида,

Б. КОРОЛЁВ,
АПНнинг ўз мухбири.
Афина.

КУБАДА САЙЛОВ

ГАВАНА. Кубада халқ ҳокимиятининг муниципал ассамблеяларига депутатлар сайлови зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазиятида ўтмоқда.

Тўғри ва яширин умумхалқ овоз бериши давомида ўн ярим миллион зиёд депутат сайланади.

Сайловга тайёргарлик Куба халқининг юксак сиёсий активлигини, унинг бирлигини ва коммунистик партия теварагида жипслашганлигини намойиш қилди. Кубаликлар ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва зиёлиларнинг энг яхши намояндалари учун овоз бериб, шу тариқа социалистик қурилиш йўлида бораверишга қаттиқ аҳд қилганликларини, Кубанинг порлоқ социалистик йўлга ишончи комил эканлигини изҳор этмоқдалар.

ТАБИИЙ ОФАТГА ҚАРШИ КУРАШ

ВАРШАВА. ПАП агентлигининг хабар қилишича, ўз соҳилларига сиғмаган Нарев, Буг ва бошқа дарёларнинг суви Польшанинг бир қанча воеводликларида тошқин бўлишига олиб келди. Сув тошқинига қарши курашда аҳоли билан бирга ҳарбий бўлинмалар ҳам қатнашмоқдалар, улар дамбаларни баланд кўтармоқдалар, аҳолини кўчирмоқдалар ва сув босган жойлардаги қимматли асбоб-ускуналарни олиб кетмоқдалар.

ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек билан ПХР Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич тошқин бўлган районларга бордилар. Улар шаҳар ва қишлоқларни дарёнинг тошқин сувидан ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ва аҳолига ёрдам бериш тадбирлари билан танишдилар.

(ТАСС, 9 апрель).

ТИЛ БИРИКТИРУВДАН КЕЙИН

БАҒДОД. Араб мамлакатлари Исроил билан ҳиёнаткорона сепарат битим тузганидан кейин Миср режимини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан якалаб қўйишга қаратилган амалий тадбирлар кўришни давом эттирмоқдалар. Араб мамлакатлари ташқи ишлар ва экономика министрларининг яқинда бу ерда бўлиб ўтган конференцияси қарорларига биноан, Ироқ ҳукумати Ироқнинг Қоҳирадаги савдо марказини ва савдо-сотиқ фирмаларининг ваколатхоналарини дарҳол ёпиб қўйишга ва у ердаги ўз ходимларини чақириб олишга қарор қилди.

Ироқ ахборот министри С. К. Хаммуди бундай деди: Миср билан Исроил ўртасидаги сепарат «сулҳ»нинг ҳатарли оқибатларига қарши актив кураш ҳозирги босқичда барча араб халқларининг бош вазифасидир.

(ТАСС, 9 апрель).


ШАРМАНДАЛИ ҚАРОР

НЬЮ-ЙОРК. Пекиннинг дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида СССР билан ХХР ўртасида тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини бир ёқлама тўхтатиш тўғрисидаги қарори — Хитойнинг Совет Иттифоқига нисбатан яна бир ошкора душманлик ҳаракатидир, деб ёзади Америка коммунистларининг газетаси «Дейли уорлд». Газета шартнома СССР нуқур интернационализмининг конкрет ифодаси бўлиб, Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси учун энг оғир пайтларда унга бебаҳо мадад берганлигини эслатади.

Пекиннинг шармандали қарори — Совет Иттифоқига қарши, умуман социализмга қарши урушга тайёргарлик кампаниясида навбатдаги қадамдир.

Совет Иттифоқига қарши ўйинда «Хитойча карта»дан фойдаланишга умид боғлаган Америка реакцияси Пекиннинг шартнома муддатини узайтирмаслик тўғрисидаги қарорини табриклаяпти, деб уқтиради «Дейли уорлд» газетаси. Бироқ миллион-миллион америкаликлар бошқача нуқтаи назарга амал қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу ҳаракат Хитой халқининг манфаатларига зарба бўлиб тушади ва бутун дунёда тинчлик ишига кўмак бермайди.

(ТАСС, 9 апрель).



ПАРИЖДАГИ «Янги кўприк» аслида француз пойтахтидаги қадимий кўприклардан биридир. Унинг қурилиши XVII аср бошида тугалланган эди.

В. Корочанцев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

1923 йил бошларида халқдан йиғган пулларни сарфлаб, шаҳар аҳолисининг ёрдами билан болалар уйи ташкил қилдик. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий болалар уйида директор бўлиб ишлай бошлади». Шу тарика шоир Хўжайлида катта ғайрат, кунт билан ишлади. У ўзи ташкил этган интернатда болаларни илм билан бирга ҳунар ва меҳнатга ҳам жалб қилди. Айни вақтда ҳаёт сабоқлари шоирга илҳом бағишлади. Ижодий иш унинг ҳар қачонгидек асосий машғулоти бўлди.

Ҳар гал Қорақалпоғистонга йўлимиз тушиб, бу бепоён ўлка муваффақиятларидан ҳикоя қилишга тўғри келганда Ҳамза Ҳакимзоданинг кўтлуғ қадами теккан жойларга боришни ният қилардигу, қўлимча бунинг иложи бўлмасди. Шундай сафарларнинг бирида Хўжайлига боришни, Ҳамза Ҳакимзода маърифат уруғини сепган жойларни кўришни астойдил ният қилдик.

1975 йилнинг июль ойи. Нукусда, ёзувчилар союзида ишларимизни битиргач, у ерда Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Жўлмирза Оймирзаевни учратиб, Хўжайлига бориб бир айланиб келишни илтимос қилдик. Бу кекса адиб мақсадимизни аллақачон тушуниб етиб, боришга рози бўлди. Йўлда Жўлмирза оға Ҳамза Ҳакимзода ҳақидаги суҳбатини давом эттирди: халқимиз Ҳамзани нечоғлик эъзозлашини ҳали ўзингиз кўрасиз. Шоир ўзи ташкил этган интернат Ҳамза номида, унга туташиб кетган музика мактаби ҳам Ҳамза номида. Шу ердан бошланган колхоз ҳам Ҳамза номида. Ҳа, Ҳамзанинг кўтлуғ қадами теккан табаррук жой-да бу. Шоир интернатни ўзи ташкил қилиб, болаларга қалам-дафтар бериб уларнинг имло-саводини чиқарган. Халқ қўшиқларини куйга солиб ёш авлод қалбига куй-қўшиқ сеҳрини олиб кирган. Далада эса қўлига кетмон олиб интернат болалари билан деҳқончилик қилган. Нимасини айтасиз, уларнинг ҳаммасида Ҳамзанинг ўзи бевосита иштирок этган. Улар билан бирга бўлган. Буларни халқимиз эсидан чиқара оладими? Шунинг учун ҳам юртга маърифат олиб келган оташин шоирни халқимиз ҳамиша ўзига ҳамроҳ қилиб олиб юради.

...Ҳамза номли колхоздамиз... Сочлари анча сийраклашиб қолган, ўйчан, камгап, аммо ҳар бир сўзидан ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш колхоз раиси Абдукарим Ҳолбоев колхоздаги ўзгаришлар, янгиликлар, колхозчилар учун қилинаётган ғамхўрликларни айтишдан аввал гапни яна Ҳамзадан бошлади.

Халқимиз орасида Ҳамза районимизга пойи қадами теккани учунгина эмас, унинг фаолияти бевосита халқ билан боғланганлиги, бу районда катта ишларни амалга оширганлиги билан ҳам эъзозланади. Бизнинг Ҳамза билан фахрланишимиз, унга бўлган эътиқодимиз ҳурмат ва эҳтиромимизнинг юксаклиги билан бирикиб кетади. Биз ҳозиргача нимаики яхши ишлар қилсак, ҳамиша кўз олдимизга Ҳамзани, жанговар, қалби олов, қўрқмас, серҳаяжон бир инсонни келтириб турамиз. Районимизда бизни ҳамзаликлар дейишади. Ҳамзаликлар типовой боғча қурганмиш. Яна янги мактаб қурилишини бошларкмиш, боғча болаларини уйларидан олиб кетиш учун алоҳида машиналар ажратганмиш... деган гапларни эшитганимизда қилган ишимиздан хурсанд бўлиб буюк шоирнинг номи билан фахрланамиз. Бир вақтлар Ҳамза Ҳакимзода Хўжайли районида тузукроқ биронта мактаб бўлишини, маданият ўчоқларини барпо қилишни, санъат ҳар бир хонадонга кириб келишини орзу қилган эди. Фақат орзугина эмас, бунинг учун курашган, унинг дастлабки кўчатини ўз қўли билан экган эди. Мен қачонки колхозни айланарканман, қўлларига жажжи папкаларни кўтариб мактабга шошаётган колхозимиз болаларини кўрарканман, қайсидир мактаб биносидан музика садоларини эшитарканман энг аввало Ҳамзанинг номи ҳаёлимга келади. Қандайдир ўзимда ғурур ҳисларини сезаман.

Яна Ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмов тадқиқотларига мурожаат қиламиз. Олим ўша даврда Ҳамза билан бирга ишлаган, унинг «Намуна» мактабида ўқиган талабалари хотираларини келтиради.

«Аввало интернатга одамлар болаларини беришмади, — деб ёзади бу давр воқеаларининг шоҳиди Ҳайрулла Башаров, — сўнг, биз Ҳамза билан бирга кўча-куйлардаги ота-онасиз етим болаларни топиб келиб, интернатга жойлаштирдик. Мен қўҳна Урганчдан, Нукусдан, Хевадан уч қиз, тўрт ўғилни топиб келиб, интернатга топширдим».

«Ҳамзанинг интернатда тарбия олган илк талабаларидан бири, ҳозир Хўжайлида истиқомат қилувчи Исмоил Худойберганов ёшлигини шундай хотирлайди «Бу мактабни «Намуна» деб аташарди... ота-онам ўлган, бувим мени «Намуна» мактабига олиб борди. Мактабда у киши (Ҳамза) менга қалам ва қоғоз берди. Биз ҳар куни эрталаб ўқиш олдидан мактаб атрофини айланиб, «Меҳнат йўлидир, ҳақ йўл» ашуласини айтар эдик... Каникул даврида ҳозирги Энгельс номли колхоздан ер олиб экин экдилар, унинг ҳамма парваришини болалар билан ўзи бажарарди».

Агар бу воқеаларни Хўжайли элининг бугунги киёфаси билан солиштирсак Ҳамза фаолиятининг нақадар аҳамиятли эканлигига ишончингиз комил бўлади.

Жўлмирза оға билан Ҳамза пойи қадами теккан жойларни айланиб чиқдик. Биз ҳар қадамда қорақалпоқ халқининг буюк шоирга бўлган муҳаббатини сезиб турдик. Жўлмирза Оймирзаев бу муҳаббатнинг боисини қардошимизда баврум, деб ниҳоятда содда қилиб айтиб қўя қолди. Шу-шу қачонки бу юртга боргудай бўлсак, Хўжайлини бир айланиб қайтамиз. Шунда ҳар гал ҳаёлимизга қошларини чимириб, куйиб-пишиб дам адабиётдан, дам музика санъатидан сабоқ бераётган, дам қўлида кетмон олиб ер чопаётган, дам олам сирларидан болалар қалбини огоҳ қилаётган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий келади. Жўлмирза оға эса ана шу мактаб парталарининг бирида ўтиргандай. Улар устоз ва шогирддай бўлиб шу ерларда бирга сайр айлаётгандай. Беихтиёр ҳаёлимизда бизга ҳамроҳ бўлган бу ажойиб инсонни яна бир бор эслаб унга «Салом, Ҳамза!» деб қўлимизни кўксимизга қўяётгандай бўламиз.

Ёқуб ЯҚВАЛХЎЖАЕВ.

ФАРЗАНДЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ


«ҚИБРАЙ» совхози посёлкасида 140 ўринли янги болалар боғчаси қуриб битказилди. Яқин кунлар ичида янги боғча ўз бағрига совхоз меҳнаткашларининг фарзандларини қабул қилиб олади.

Оржоникидзе районида Халқаро болалар йили муносабати билан яна бир қатор хўжаликларда янги боғчаяслилар қуриш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги уч йил ичида 1200 ўринли болалар муассасаларн фойдаланишга топширилди. Уларда ҳозир кичкинтойлар яйраб ўсмоқдалар, тарбия олмоқдалар. Шу кунларда районда яна иккита қўш қаватли боғча ва ясли қурилиши олиб борилмоқда. Йил охиригача улар ҳам тўла ишга туширилади.

Умуман ҳозир районда 54 та боғча-ясли ишлаб турибди. Уларда 6 мингга яқин фарзанд тарбияланмоқда. Тарбия ишларини намунали ташкил этиш юзасидан яқинда ўтказилган мусобақада Дўрмондаги 1-болалар боғчаси мураббийлари мукофотли ўринни олдилар. Бу боғчада болаларни эстетик руҳда тарбиялаш, мактабга тайёрлаш, музика савиясини ошириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Улар тажрибаси кўпни боғчаларга ҳам кенг ёйилмоқда.

М. ЗАРИПОВ.





БУГУНГИ ТОШКЕНТ: Ленин кўчаси. Ўзбекистон Рассомлар союзи кўргазма залининг шу кўча чорраҳасидан кўриниши.

В. Таран фотолари.

Реклама ва эълонлар

Тошкент область ижроия комитетининг
МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ
ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН
9-қурилиш трести ва «Джизакцветметстрой» трести
(Маржонбулоқ кони қурилишида) бошқармаларида
ИШЛАШ УЧУН
ҚУРИЛИШ КАСБЛАРИГА ЭГА БЎЛГАНЛАРНИ
ТАШКИЛИЙ РАВИШДА
ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ЎТКАЗАДИ

Меҳнат ҳақи — аккорд ва аккорд-мукофотли. 30 процент минтақа коэффициенти ва иш кўчма характерда бўлганлиги учун 20—30 процент қўшимча қўшиб тўланади.
ЁЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.
Мурожаат учун адреслар: Тошкент область шаҳарлари ва районлари ижроия комитетларининг меҳнат бўйича вакилларига ва ишга жойлаштириш бюроларига; Тошкент шаҳрида — Привокзальная кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 33-81-21, 33-84-84.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
11 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММАСИ
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Опа-сингил АВДЕЕВАлар ижросида
«СЕМАФОР» ГИГАНТ АТТРАКЦИОНИ
Михаил СИМОНОВ раҳбарлигидаги
«АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ».
Янги цирк санъат асарлари Бутуниттифоқ кўригининг лауреати; «ГУССАР ҚИССАСИ» бадиий фильмининг қатнашчиси, Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Валерий ДЕНИСОВ ижросида
«ЧАВАНДОЗЛИКНИНГ ОЛИЙ САНЪАТИ»
Масхарабозлар Юрий САВЕЛЬЕВ ва Александр ЛОГИНОВлар ижросида
ИНТЕРМЕДИЯЛАР ВА РЕПРИЗЛАР
Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.
Ташкилотлар, болалар муассасалари, мактаблар, колхозчилар ва совхозлардан коллектив заявкалар қабул қилинади ва уларга район касснрлари хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, радиоаппаратура ва приборларни монтаж қилувчи ва регулировкачи, технологик ускуналарни созловчи, токарь, фрезерчи.
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА, ШУНИНГДЕК ШАҲАР АТРОФИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синфни битирганлар учун 3 йил, 10-синфни битирганлар учун бир йил.
Ўрта маълумотли ўқувчиларга 30—45 сўм миқдорида стипендия, 8-синфни битирган ўқувчилар эса тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.
Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга 33 процент иш ҳақи тўланади.
Ўқиш аълочилари билим юртини тугатгандан сўнг, Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларидаги олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга юборилади.
ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, 4х6 см. катталикдаги 6 та фотосурат.
Қабул комиссияси ҳар куни билим юрти биносида ва В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводининг кадрлар бўлимида ишлайди.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:
Тошкент шаҳри-5, Ленин районн, Весна кўчаси, 17-уй, 196-техника билим юрти (1, 5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси», бекати);

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ҚОШИДАГИ
ТЎЙ БЮРОСИ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ШАҲРИ АҲОЛИСИНИНГ ТЎЙ ВА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИДА МАДАНИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЧУН АЛОҲИДА САНЪАТЧИЛАР ГРУППАСИ МАВЖУД ЭКАНЛИГИНИ
БИЛДИРАДИ
САНЪАТЧИЛАР ГРУППАЛАРИ ТЎЙ БЮРОСИНИНГ МАХСУС ГУВОҲНОМАЛАРИ БИЛАН ЮБОРИЛАДИ.
АҲОЛИДАН АРИЗА ВА ЗАЯВКАЛАР 20 КУН ОЛДИН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Тўй ва оилавий маросимлар ўтказилаётган кунлари маданият бўлими бошлиқлари, маҳалла комитетлари, қишлоқ Советлари, жамоат тартибини сақлаш органлари ходимларига, молия органлари ходимларига, Бюро гувоҳномаси бўлмаган санъатчиларни маданий хизмат қилишдан четлаштириш ҳуқуқи берилади.

МАКТАБДА ҲУНАР ЎРГАНИШДИ

Чиноз районидаги 5-мактабда 1977 йил бошларида уч касб — токарлик, шоферлик ва тикувчилик бўйича курслар очилган эди. Ҳафтада икки марта бўладиган курс машғулотларига райондаги 14-ҳамда 15-мактаб ўқувчилари қатнай бошлашди. Ўқув қуроллари, токарлик станоклари, ҳар хил маркали машина жиҳозлари, тикувчилик машиналарини пухта ўрганишда ўқитувчилардан Юрий Ибрагимов, Ришод Меметов, Зуҳра Наимовалар ҳиссаси катта бўлмоқда. Ҳозирги кунда токарлик курси ўқувчилари 5-Олмазор Автомобиль ремонт заводида ишчилар билан ёнма-ён туриб турли даστгоҳларни бошқармоқдалар.

Улар уч касб бўйича бўладиган имтихонларга ҳам пухта тайёргарлик кўришмоқда. Ўқувчиларга аттестат билан бирга касб ўрганганлиги тўғрисида гувоҳномалар ҳам берилади.

Б. ХОЛДОРОВ.



МАРСДА ҲАЁТ БОРМИ?

ЯҚИНДА Антарктидадан топилган кварц минерал тошлари орасида кўк-яшил рангли сув ўтлари борлиги аниқланди. Бу тошлар муздан ҳоли бўлган тог ён бағирларидан олинганди. Шуниси қизиққи, бундай бир хужайрали майда организмлар минерал тошларнинг юзасида эмас, балки икки миллиметр ичкаридаги тош ёриқлари ичида топилди.

Аввалларн олимлар сув ўтларини чўлда учрайдиган минералларда учратишарди. Антарктида минераллари учун эса бу ажойиб топилмадир, негаки, муз қитъада (ундаги кўл ва дарёларни мустасно қилганда) фотосинтез қилувчи ўсимликлар борлиги биринчи марта аниқланди.

Демак, Марсда ҳаёт излари излаб кўрилаётгани бежиз эмас, албатта — бу сайёранинг тупроғида ва тог минераллари орасида шундай ўтлар бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

ЁНАР ТЎЛҚИНЛАР СИРИ

1977 ИИЛ 19 ноябрида Андхра—Прадеш қирғоқ бўйи районлари мисли кўрилмаган тропик циклонга дуч келди. Ҳозир шу ҳодисани ўрганаётган ҳинд мутахассислари мушкул бир масала устида бош қотиришмоқда. Гувоҳларнинг айтишига кўра, тўфон олиб келган жуда катта тўлқинлар қип-қизил олов ичида кўринган.

Бу циклон қуввати 200 водород бомба портлашидан ҳосил бўладиган энергия билан тенгдир. Олимлар шуни ҳисобга олиб айтишмоқдаки, шамол тезлиги соатига 200 километргача етган бу тўфон авжга миниганда сув молекулалари кислород ва водород атомларига бўлиниб, парчаланиб кетган, электр зарядларн эса водороднн аланга латган. «Ёнар тўлқинлар» сири шу билан изоҳланиши мумкин.

ТОШЛАРДАГИ ЖИЛО

Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазма залида иккинчи Республика ҳайкалтарошлик асарлари иккинчи кўргазмаси муваффақият билан намойиш этилмоқда. Албатта, бу ижодий кўрик рассомлар, маданият ходимлари орасида катта қизиқиш уйғотиши, табиий. Кўргазмага қўйилган ҳайкалтарошлик асарлари шундан далолат бериб турибдики, кейинги йилларда бу соҳа соҳибларининг янги йўналишга интилишлари анча кучли. Ҳайкалтарошлар ўз асарларини замон руҳи билан суғорган, асар қаҳрамонининг аниқ ҳаётийлигини таъминлаган ҳолда инсоннинг уйғун қиёфасини тасвирлашга ҳаракат қилмоқдалар. Тўла ҳаққонийлик методи ва ҳужжатлилик асосига қурилган ёдгорлик обидалари, маҳобатли ҳайкалар республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг кўчаларига, майдонларига, биноларининг кўринишларига салобатлилик ва файз бахш этмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган асарларнинг жанр ҳамда материаллари жуда ҳам бой ва ранг-баранглиги, ҳайкалтарошларнинг ўзига хос дастхати ҳамда иш услубига эгалиги эса ўзбек ҳайкалтарошлигининг маълум ютуқларни қўлга киритганлигига ишонч уйғотади.

Намойиш этилаётган асарлар орасидан кўзга кўринарли ўринни самарқандлик, тошкентлик ва қорақалпоқ ҳайкалтарошларининг ижодий ишлари эгаллаган. Уларнинг асарлари мавзу ҳамда иш услублари жиҳатидан бир-бирига асло ўхшамайди, турли-туман. Бундан ташқари кўргазмага асосан 60-йилларда Москва, Ленинград, Тошкент олий ўқув юртларини битирган ҳайкалтарошлардан Д. Рўзибоев, А. Аҳмедов, М. Мусабоев, Я. Шапиро, Л. Рябцев, П. Шанов, А. Бойматовларнинг асарлари қўйилган.

Кўргазмада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. И. Гришченко ижоди бирмунча тўлақоқ намойиш этилган. Унинг энг кейинги ишларидан бири «Абу Али ибн Сино» асарндир. Ўрта аср мутафаккир табибининг буюк сиймоси жуда ҳам маҳорат билан яратилган, унинг ўзига хос руҳий кўтаринки ҳолати ҳайкалтарошлик услубига мос тушган, фигурининг эмоциональ тасвири мантиқан кучайтирилган. Бу катта санъаткорнинг бадиий зийраклигини ўзида мужассамлаштира олган асардир, десак янглишмаймиз. Гришченконинг кейинги йилларда яратган ҳайкалтарошлик портретларидан «Рудакий», «Алишер Навоий», «Шарқ аёли» ва бошқалар ҳам оригинал қиёфага ҳар томонлама яқинлиги билан ажралиб туради.

Бу соҳа соҳибларининг ижодий ишларида эришган фазилатларидан бири шундаки, ҳайкалтарошлар конкрет инсон қиёфасини ўзгартмаган ҳолда конкрет замондошимиз образини

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

ҳайкалтарошликка муносиб тарзда ўзгартиради. А. Бойматов, Х. Ҳусниддинхўжаев, И. Жабборов, А. Аҳмедов, А. Бандзеладзе, Т. Қосимов, Т. Мирзакаримовларнинг ижодий ишларида худди шу фазилатларни кўриш мумкин.

Тошкентлик ҳайкалтарош А. Бойматовнинг «Кекса врач портрети» ишида шу нарса сезилиб туради. Мана шунинг ўзи портрет мавзусини ташкил этади. Бир қарашдаёқ унинг ҳаракат ва тўхташ жараёнидаги мураккаб ҳолатни англаш мумкин. Демак, врач инсон ҳаётини сақлаш учун чуқур ҳаёлга чўмиб, изланмоқда. Портрет февқулодда ўйлаб топилган оригинал тасвирлаш услуби ҳамда ўткир, ўзига хос инсон характерининг бир-бирига уйғунлиги билан алоҳида ажралиб туради. Врачнинг юзидаги белгилар — чизиқлар эса бир-бирига ўхшамайди. Гўё юзида ҳаяжон ҳаракатга келиб тургандай таассурот туғдиради. Бу портретдаги инсон образи мана шундай жонли чиққан. Бойматовнинг кўргазмага қўйилган барча портретларида ҳам психологик мазмун мавжуд. «Неъмат ака», «Янги йўллик колхозчи портрети» каби ижодий ишларида одамлар характери лаҳзалик, бир онлик кайфияти орқали ишончли ва ҳайратланарли даражада очиб берилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки ҳар бир ҳайкалтарошнинг ўзи яхши кўрган материали бўлади. Ўша материал орқали ўз истеъдодини кўпроқ намойиш эта олади. А. Бойматовнинг севимли материаллари — мармар, ёғоч, бронза. У асосан шу материалларда тасаввуридаги характерларни тўлақонли юзага чиқаради.

Еш ҳайкалтарош Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Илҳом Жабборов ўз ижод прототипини энг оддий кишилар орасидан қидиради. У инсонни ўрганишга, унинг ички дунёсига киришга, кундалик турмушидаги ҳеч ким кўрмаган нарсани кўришга, фақат ўша шахсга хос бўлган оҳангдошликни илғашга ва бу оҳангдошликни унинг ташқи кўринишига олиб чиқишга ҳаракат қилади. Бу интилишларини ҳайкалтарош асосан куйдирилган лой, ёғоч материалларида амалга оширади.

Айниқса, кўпгина ижодкорларнинг ишларида аёллар образи асосий ўринни эгаллайди. Аёллар образини яратган санъаткорлар ўз қаҳрамонларига ҳаёл сурувчи лирик кўз билан қарайдилар. Портретларда аёлларнинг нафосати, гўзаллиги, жозибадорлиги яхши очиб берилган ва айни пайтда уларнинг ташқи чиройи билан бирга ички оламининг гўзаллиги ҳам ўз ифодасини топган. Фикримизга кўргазмадан ўрин олган «Аёл портрети», «Ўқувчи қиз портрети» каби асарлар гувоҳлик беради. Шунингдек, аёллар образи галереясини доимий равишда тўлдириб, кенгайтириб боришга интилаётган Жабборов асарлари диққатга сазовор. Унинг «Комсомол қиз» номли ижодий ишида янгича тасвирлашга уриниш кўзга ташланади.

Республика ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмасида нафақат мураккаб композицион масалаларни ҳал қилувчи асарлар намойиш этилмоқда, балки замонавий ҳайкалтарошлик образларининг «хажм» мазмуни ҳам ўсганлигини кўрсатувчи далиллар билан ҳам таништириш мумкин. Уч, ҳатто тўрт баравар зиёд ўлчовга эга бўлган асарларни эркин, бемалол тасвирлаш қобилятини ўзлаштириб олишлари ҳайкалтарошларимизнинг ютуғидир. Бундан ташқари у ердаги асарлар фақат мавзу хилма-хиллиги билангина эмас, мавзуга ёндошишдаги ранг-баранглиги билан ҳам киши диққатини тортади.

Бу фазилатлар портрет жанридаги асарларгагина тегишли бўлмай, кўпфигурали композицияларга, монументаль асарларга ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, тарихий образларга ёндошишда ҳам худди шундай ижобий ўзгаришлар мавжуд. Айниқса, С. Бабаяннинг «Уйғониш», Р. Авакяннинг «Металлурглар», Т. Қосимовнинг «Кўлловчилар», А. Аҳмедовнинг «Сукунат» асарларида бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Шундай қилиб, замонавий ҳайкалтарошликда индивидуаллаштиришга тортиб, то рамзий умумлаштиришгача бўлган хилма-хил йўналишлар ,образли-композицион типларни ҳал этишдаги ранг-баранг услуб ва ёндошишлар қамраб олинган. Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг ҳар томонлама ривожланаётганлиги шаҳар ва қишлоқларимиз чиройини ва кўркини янада кўркамлаштиришга хизмат қилади.

Кўргазмага қўйилган 150 асарни томоша қилган томошабин бугунги ҳайкалтарошларимиз ижоди билан маълум даражада танишади ва уларнинг ютуқларини тасаввур қила олади. Хулоса қилиб айтганда, республикамиз ҳайкалторошлари дадил олға интилмоқдалар.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
Э. МУҲАМЕДОВ.

Спорт

СОБИР РЎЗИЕВНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Украина пойтахти Киев шаҳрида рапирачилар ўртасида халқаро турнир бошланди. Мусобақада СССР, Куба, Польша, Венгрия, Руминия, Франция, Италия, Австрия, ГФР шунингдек Москва ва Ленинград командалари иштирок этмоқда.

Бундай турнирларда бир неча бор ғолиб келган тошкентлик жаҳон чемпиони Собир Рўзиев яна ўзини кўрсатди. Спортчимиз командадош дўстлари Сергей Исаков, Владимир Смирнов ва Сергей Косенковлар билан бирга дастлабки уч турда муваффақиятли қатнашиб, «олимпиадачилар» программасидаги беллашувларда иштирок этмоқда.

«Киев рапирачилари» турнирларида Собир Рўзиев иккинчи марта ҳурмат шохсупасининг энг юқорисидан ўрин олишга муваффақ бўлган.

СЕКУНДЛАР ВА МЕТРЛАР УЧУН КУРАШ

Ўтган дам олиш куни Тошкентдаги Ленин номли майдонда стартга чиққан кўп кунлик велосипед пойгаси қатнашчилари биринчи босқичидаёқ курашни кескин бошладилар. Тошкент — Ангрен оралиғидаги 116 километрлик пойгада тошкентлик Евгений Посмитний пешқадамлар сафида борди ва маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ғолиб масофани 2 соат 33 минут 56 секундда босиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун областлар терма командалари, Тошкент шаҳрининг икки коллективи, Молдавия, Қирғизистон, Куйбишев вакиллари, шунингдек Финляндия велопойгачилари иштирокида ўтказилаётган пойга ғолиблари 18 апрелда маълум бўлади.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Чим устида хоккей бўйича республика XVIII спартакиадаси мусобақаларига якун ясалди. Ўзбекистондан бу спорт турининг ташаббускорлари бўлган андижонликлар спартакиада чемпиони бўлдилар. Фарғоналиклар иккинчи, Тошкент шаҳри командаси учинчи мукофотли ўринни олди.

НАҲОРГА „ОТИБ“ — РУЛДА

СПИРТЛИ ичимлик ҳар қандай одамнинг диққат-эътиборини, яъни ҳушёрлигини бўшаштиради. Демак, ичкилик ичган ҳолда машина бошқарган одам фақат ўзининг ҳаёти учун эмас, балки бошқа бегуноҳ инсонлар ҳаёти учун ҳам хавфли кимсадир. Худди шунинг учун ҳам «кайф» шоферларга қарши кейинги пайтда бир қатор қатъий чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Жумладан, спиртли ичимлик ичган ҳолда қўлга тушган шофер пул жаримаси тўлаш билан бирга икки йил машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Лекин... у «қўлга тушгунга» қадар машинасини жарга ағанатса, абжағини чиқарса, ёки бировни босиб, умрига завол бўлса-чи?

Афсуски, бундай воқеалар пойтахт шаҳар ва областимизда деярли ҳар куни учраб турибди. Нега? Чунки «мард, ботир» машина ҳайдовчилар қандай шароитда бўлмасин, қўлларига қадаҳ олмасдан олдин бунинг оқибатини чуқур ўйламайдилар, чуқур ҳис қилмайдилар — ахмоқона «мардлик» қилиб, «оқ уриб» юборадилар!..

Газетада «Маст шоферлар йўқламаси» рубрикаси остида жамоатчиликни вақтивақти билан, спиртли ичимлик ичиб машина ҳайдаган кимсалар билан таништириб борамиз.

...**18 март, 1979 йил.** Бўстонлик районидаги Фрунзе номли колхоз экспедитори, 27 ёшли Ақилбек Темишев «ТШН 19—63» номерли «Жигули» машинасида ширакайф ҳолда Тошкент—Ғазалкент магистралига чиқди. Озгина «отиб» бадани қизиган Ақилбекнинг ақли ўтмаслашди — у машинада икки ёшли қизи ўтирганини ҳам ўйламай, тезликни тобора ошираверди. Назарида, унинг машинаси бошқа машиналарнинг ортидан юришини истамади. Олдидаги машиналарни бирин-кетин қувиб ўтаётганида рўпарадан келаётган «Москвич»нинг йўлига чиқиб, у билан «ўпишишди». Оқибатда, 31-мактаб илмий бўлим мудири Спашев Абдумаликнинг «ТШУ—07—02» номерли машинаси пачоқланди, Ақилбек ва қизчаси Ғазалкент касалхонасига ётқизилди...

8 март, 1979 йил. Эрталаб соат 9 ярим. Давлат номер белгиси «ТШИ 84—20» бўлган «Москвич—412» машинасининг соҳиби Мутал Исоқов қаердадир наҳорга «отиб» олиб, Янгийўл шаҳрининг Самарқанд кўчасида кетаётган эди. Пушкин номли ҳиёбон олдидан ўтаётганида йўлга саккиз ёшли қиз, 6-мактаб ўқувчиси Лена Кашчева югуриб чиқди. Мутал Исоқов тез келаётганданми, кайфи борлигиданми, машинани тўхтатишга улгурмади ва қизчани урди!..

Бунинг учун фақат ичкилик айбдор, уни ичган шофер айбдор. Чунки тезликни ошириш ҳам, йўл ҳодисаларини илғаб ҳушёрлик билан фалокатнинг олдини ололмаслик ҳам шу ичкилик билан боғлиқ, унинг оқибати.

«Узсельхозтехника» Янгийўл район бирлашмасининг омбор мудири М. Исоқовнинг наҳорга «бош оғриқ» қилиб машина ҳайдаши туфайли чопқиллаб юрган бегуноҳ Лена оғир жароҳатланиб, эрталабдан касалхонага ётқизилди.

Булар шахсий машина эгалари. Давлат машиналарини бошқараётган профессионал ҳайдовчилар орасида ҳам ичкиликка ружу қилганларнинг учраши ачинарлидир. Олмалиқ пиво заводининг шофери Михаил Спасибин **7 март** куни Новозаводской кўчасида йигирма ёшли Раъно Исломовани босиб кетди. Бекободдаги 69-ҳунар техника билим юртининг ўқувчиси Раъно шаҳар касалхонасида жон берди...

«ТШП 06—69» номерли «ГАЗ—53» машинасининг шофери Спасибин маст эди!..

Мастлик-пастлик. Шундай бўлмаса, энди 28 га кирган йигит Абдуҳаҳад Абдуқаюмов ёшиқ гараж территориясида одам босадими?! Бу воқеа **27 февраль** куни Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз гаражида содир бўлди. «ТШЖ 90—78» номерли автокран ҳайдовчиси А. Абдуқаюмов 2-бўлимнинг гараж мудири Пиримқул Пармоновни босди. У касалхонада дунёдан кўз юмди.

Мақсадимиз, маст шоферларни «таништириш»дангина иборат эмас. Улар жиноят қилиб бўлган, бусиз ҳам тегишли жазосини олади. Мақсадимиз — бошқа минглаб, ўн минглаб шоферлар ичкилик ичиб машина ҳайдаш қандай оқибатларга олиб келаётганини кўриб, бундай воқеа ҳар бир маст шофер билан содир бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтириб қўйсинлар!..

А. АЗИМОВ,
Тошкент область Давлат автомобиль инспекцияси ходими, милиция лейтенанти.
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Катта космик саёҳат. Бадиий фильм. 11.10— Ҳайвонот оламида. 12.10 — В. Ивко чалади. 12.30—14.50 — Янгидиклар. 15.10 — Биринчи бешйиллик юбилейига. 15.50— Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.20 — Ёшлар адреслари. 17.05 — Концерт. 17.55 — «Буюк почин». Биринчи коммунистик шанбаликнинг 60 йиллигига. 18.25 — Қадрдон оҳанглар. 18.55 — Строговлар. Кўп серияли бадиий фильм. 5-серия. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.15 — Строговлар. Бадиий фильм, 6-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — СССР халқ артисти Тамарахоним. 23.10 — София филармониясининг симфоник оркестри ижросида концерт. 23.55 — Янгидиклар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Жонажон ўлка. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Футбол. бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» — «Крилья Советов» (Куйбишев). Танаффус пайтида кинофильм. 20.45 — Ахборот. 21.05 — Лирик концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвадор. 22.20 — Эрта тонг. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Л. Украинка. «Тош ҳоким». Спектакль. 21.00 — Янгидиклар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/IV да Чио-Чио-Сан, 11/IV да Оққуш кўли.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да Ғанг дарёсининг қизи, 11/IV да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да Гулбаҳор қани?

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да Отилмаган ўқ, 11/IV да Тўй муборак, қари қиз.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01896. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2369.